Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 23 (8. 452) ◆ 1994 йил ◆ 21 февраль, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ — ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

СУРАТДА: йиғилиш пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат (ЎзА).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИҒИЛИШИ

18 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Мажлисда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар, чорвачиликда ислоҳотни такомиллаштириш ва фермер хўжаликларига зарур шарт-шароит яратиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Республика Президенти Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини юксалтириш долзарб масалалардан биридир. Зеро, келажагимиз, мустақиллигимиз тақдири кўп жиҳатдан иқтисодий ислоҳотнинг қишлоқда қандай жорий этилишига боғлиқдир.

Ислоҳотни кенгайтириш, фермер, шахсий ва ширкат хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугуннинг асосий вазифасидир.

Бизда эса деҳқончилик самарадорлигини ошириш учун мавжуд шарт-шароитдан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Республикамизда бошланган иқтисодий ислоҳот, хусусийлаштириш, деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этиш бу соҳадаги имкониятларни ишга солиши шубҳасиздир.

Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги ширкатлар жамоаси раиси Ш. Чориқулов, Жиззах вилояти Бахмал тумани фермери Т. Каримов, Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани фермери И. Назаров, Сурхондарё вилояти Музробод туманидаги деҳқончилик-фермерлар уюшмаси бошлиғи И. Шоймаматов сўзга чиқиб, иш тажрибалари тўғрисида, ислоҳотни татбиқ этишдаги мавжуд муаммо ва камчиликлар хусусида сўзладилар.

Мажлисда халқ хўжалиги тармоқларининг 1993 йилдаги иш якунлари ва республикада иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

1993 йили иқтисодий ислоҳотнинг биринчи босқичи якунланди. Давлат уй-жой мулки аҳолига хусусийлаштириб берилди. Зарар кўриб ишлаётган давлат хўжаликларининг деярли барчаси мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказилди. Республикада бозор иқтисодиётини шакллантириш, халқ хўжалигини таркибий қайта қуриш ва иқтисодий мустақиллигимизнинг пойдевори бўлган асосий тармоқларни ривожлантириш, иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш давом эттирилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, капитал қурилиш соҳасида муайян ютуқлар қўлга киритилди. Давлат бюджети даромад ва харажат қисмларининг мақбул нисбати таъминланди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилди.

Бироқ айрим вазирлик, концерн, корпорация ва уюшмалар, вилоятлар иқтисодий қайта ўзгартишлар ва бозор муносабатларини жорий этиш борасида сусткашликка йўл қўйди.

Халқ хўжалиги тармоқларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш баъзан расмият учун амалга оширилди.

Банк муассасаларидаги камчиликлар, айрим туманларда давлат солиғи тўлашдаги нуқсонлар танқид қилинди.

Мажлисда иқтисодий сиёсат тамойилларининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш, бозор муносабатларини жорий этиш, ислоҳотнинг барқарорликка ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсирини кучайтириш асосий вазифа экани қайд этилди.

Мазкур масала муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш. Гатаулин, республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, Навоий вилояти ҳокими А. Айдарқулов сўзга чиқди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов иштирок этди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли ўртоқлар!

Қишлоқ хўжалигининг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз, мунозара қиламиз.

Бугун жамиятимиз шуни англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш — хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Ҳаммамизни боқадиган, озиқа берадиган соҳа—қишлоқ хўжалиги тармоқларидир.

Мана шунинг учун ҳам, модомики, фаровон ҳаёт қурмоқчи эканмиз, олдимизга халқ турмушини яхшилаш мақсадини қўйган эканмиз, иқтисодий ислоҳотни аввало қишлоқ хўжалиги, қишлоқ ҳаёти соҳасидан бошлашимиз зарур.

Ислоҳот ҳақида гапирганда, мақсадларимизни белгилашда кейинги бир-икки йил мобайнида муҳим бир ҳақиқатни англаб олдик: ислоҳот ислоҳот учун қилинмайди, ислоҳот номига қилинадиган иш эмас, ҳар қандай ислоҳот биринчи навбатда инсон манфаатларини кўзлаб, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш учун амалга оширилади.

Маълумки, халқимизнинг 60 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди. Шундай экан, ҳамма ташвишларимизни, муаммоларимизни ечишни қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошлаш керак эмасми?

Демак, мақсад — қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яшаётган халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлмоғи керак.

Бунинг учун нима қилиш лозим?

АВВАЛО, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз юрганларни ва доимий унумли иш билан банд бўлмаганларни (ҳисоб-китоб бўйича, бундай кишилар икки миллионга яқин) ишлаб чиқариш соҳаларига жалб этиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш зарур.

Бир қарашда бу вазифа инсон хаёлига сиғмайдиган даражада улкан ва оғир кўринади. Аммо бизда бу муаммони ечиш йўли аниқланган.

Республикамизда ишлаб чиқариш соҳасида 6 миллион 300 минг киши банд. Шулардан 3 миллион 700 минг киши қишлоқ хўжалигида ишлайди. Ривожланган давлатларда эса қишлоқ хўжалигида ҳаммаси бўлиб аҳолининг 5—6 фоизигина банд бўлади. Улар етиштирган маҳсулот ўз мамлакати эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, четга ҳам экспорт қилинади. Хўш, биз бу муаммони қандай ҳал қиламиз? Қишлоқ хўжалигида банд бўлган одамларнинг барчасига ер, сув, техника воситаларини етказиб бера оламизми? Уларнинг барчасига иш топиб бера оламизми?

Бу масала нафақат иқтисодий, балки сиёсий масалага айланмоқда. Менинг фикримча, бу муаммони ҳал қилишнинг йўли битта: қишлоқ хўжалигида **унумли ишлайдиган** кишилар қолиши керак, қолганлари бошқа соҳаларга — саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этилиши лозим. Бизда аҳолининг 9 фоизигина хизмат кўрсатиш тармоқларида машғул, чет элларда эса бу рақам 60—70 фоизни ташкил этади. Энди бизга бир пайкалга юз кишини қўйиб, унумсиз меҳнат қилишнинг кераги йўқ.

БИРИНЧИ НАВБАТДА саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келишимиз, маҳсулотни қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қишлоқ заминига жойлаштиришимиз керак.

Кейинги бир-икки йилда ана шу масалани ечиш борасида Ўзбекистонимизда қилинаётган ишларни кўздан кечирсак, ҳар бир юртпарвар инсоннинг қалби қувонади, албатта.

Лекин биз бошлаган бу ишлар катта муаммони ҳал этиш йўлида ташланган дастлабки қадамлардир. Буни очиқ тан олишимиз керак. Бу олижаноб мақсадни ўз зиммасига олган хўжалик ва жонкуяр инсонларга давлат ва ҳукумат ўз ёрдамини, кўмагини бериши лозим.

Айни пайтда сув ва иссиқлик, электр нури, темир йўл ва автомобиль йўллари, умуман коммуникация ва қулайликлар етиб бормаган бўм-бўш чекка қишлоқларимиз ҳам мавжуд. Уларни обод қилиш учун давлатимиз марказлаштирилган жамғармалардан маблағ ажратиши керак. Қурувчилар кучини ана шу ёққа йўналтиришимиз зарур. Бу иш дастлабки берадиган ёрдамимиз бўлур эди.

Шу ҳаракатни жонлантириш ва кўмак бериш мақсадида, ўйлайманки, бугунги вазиятда эндигина иш бошлаб, кучга кираётган кичик корхоналарга солиқ масаласида ҳам муайян имтиёзлар берсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини кўпайтириш, шу тармоқ самарасини юксак даражага кўтариш имкониятларининг чегараси йўқ, деб ўйлайман.

Биз чет элларда бўлганимизда гўзал диёримизни, она заминимизни таърифлар эканмиз, «Бизнинг юртимизда йилига уч марта ҳосил олса бўлади», деб айтамиз. Ажнабий дўстларимиз ҳар гал ҳайратга тушадики, бундай жаннат жой қаерда экан, деб!

Аслида ҳам шундай. **Дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ. Ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш ҳам дунёда топилмайди!**

Лекин, азиз биродарлар, шундай имконимиз бўла туриб, ўша айтилган уч карра ҳосилни оляпмизми? Афсуски, йўқ. Ҳалигача ўша даражага етишни орзу этиб юрибмиз, холос.

Биз ишлаб чиқариш унумдорлигини ўстириш, иш жараёни самарасини ва пировард натижаларни жадаллаштириш мақсадида кўп муаммо ва масалаларга танқидий кўз билан қарашимиз лозим.

БИРИНЧИДАН, бизни боқадиган мана шу ер, мана шу тупроқ. Унинг унумдорлигини оширишимиз керак. Бунинг учун эса, энг аввало, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни, ирригация ишларини устивор мақсад деб қарашимиз шарт.

ИККИНЧИДАН, қишлоқ хўжалигини замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш имконияти ва сифати деҳқонларни қониқтирадиган даражада бўлиши керак. Агар лозим бўлса, уларни техника, ўғит ва бошқа керакли жиҳозлар билан арзонроқ, имтиёзли тарзда таъминлашимиз зарур.

Лекин, ўртоқлар, бугунги кунниг энг муҳим вазифаси аграр соҳани, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун иқтисодиётимизни ҳал қилувчи масала, бу — одамларимизнинг ишга, меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартиришдир.

Бу масаланинг ечими — мулкчилик шаклларини ўзгартиришда, мулкни ўз эгасини топиб, унга беришдадир.

Қисқа қилиб айтганда, мулк деган нарса, ишлаб чиқариш воситалари ўзининг ҳақиқий эгасини топиши керак. Деҳқон ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга ўзи тўлиқ эгалик қилиши даркор.

Ана шундагина ишлаб чиқаришнинг шакли, мазмуни, туб маъноси ўзгаради, унинг самараси ва натижалари кўзланган мақсадларга жавоб беради. Яъни, ривожланган, тараққий топган давлатлар қаторида ўзимизни кўришни истасак, унда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш учун халқимизнинг 55-60 фоизи эмас, балки 5-10 фоизи банд бўлиши кифоя қилади. Шунда ҳам биз кутган даромад чиқади, ҳам фаровон ҳаёт таъминланади.

Деҳқон бадавлат бўлса, юртимиз обод бўлишнинг муқаррардир. Бу ҳақиқатни ҳаммамиз қулоғимизга яхшилаб қуйиб олишимиз керак.

Охирги икки йил бекорга кетмади, у биз учун катта мактаб бўлди. Шу вақт давомида республикамиз ҳаётида, жамиятимизнинг ижтимоий ҳолатини ўзгартириш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида эришган тажрибамиз ва, энг муҳими, қўлга киритган ижобий натижаларимиз Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли борлигини, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам амалга оширилаётган тадбирларимиз тўғри эканини тасдиқлаяпти. Буни халқимиз, кенг жамоатчилик яхши англаяпти.

Айрим чет эл арбоблари ва матбуот вакиллари ҳам бугунги кунда Ўзбекистон тутган йўл эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтишда энг маъқул, энг пухта йўлланган ва энг ижобий йўл эканини очиқ тан оляпти. Мен бу гапни мақтаниш учун эмас, аксинча, сизу биз танлаган ва оғишмай амалга ошираётган ислоҳотдан фахрланишимиз учун айтяпман.

Республикамизда қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар қишлоқ хўжалиги соҳасида мулкчилик шаклларини ўзгартириш, хўжаликларга кўпроқ эркинлик бериш, деҳқон (фермер) хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиш масалаларида муҳим омил бўлиб, ҳаётимизда ўз самарасини бераяпти.

Асосан охирги икки йил мобайнида ташкил қилинган 14 мингдан знёд фермер хўжалиги фаолияти, кўпчилик давлат хўжаликларининг, фермаларнинг мулкчилик шаклини хусусий, ҳиссадорлик, жамоа ва ижара мулки шаклига ўзгартириш ўз афзаллигини исботлади. Улар бу йўлнинг тўғрилигини унумли меҳнат натижалари билан оқлаяпти.

Бугун республика қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, чорва, пилла, полиз, узумчилик, картошка етиштириш тармоқлари маҳсулотининг 60—70 фоизини давлат тасарруфидан чиқарилган хўжаликлар тайёрлаб бераётгани ана шу ҳақиқатнинг яққол далилидир.

Иқтисодни эркинлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида яқинда қабул қилинган фармон республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотни сифат жиҳатидан юксак босқичга кўтарадиган, ҳар бир ишбилармон ва тадбиркор учун кенг имкониятлар очадиган, жаҳон бозорига чиқиш йўлимизни кенгайтирадиган, эски маъмурий-буйруқбозлик замонидан қолган тўсиқларни олиб ташлайдиган муҳим бир қарор бўлди, деб айтсак янглишмаймиз, албатта.

Қишлоқ хўжалик соҳасида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотни мазкур фармон кўзи билан танқидий таҳлил қилсак, бу ерда ўтирган кўпчилик раҳбар, мутахассис ва фаолларимизда жуда кўп фикрлар пайдо бўлиши табиий деб ўйлайман.

Қишлоқда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилаётган ислоҳотнинг кўпгина нуқсон-камчиликлари, ҳал этилмаган муаммолари ҳақида хулоса чиқариш ва шу масалалар бўйича замон талабларига мос келадиган, пухта ўйланган қарорларни қабул қилиш вақти келди.

Аввалambор, ислоҳотни жорий қилишдаги тўсиқ ва жиддий нуқсонлар ҳақида.

1. Бу борадаги энг катта душманимиз, бу — ҳар қадамда учраётган расмиятчилик, кўзбўямачилик, ишимизга юзаки қарашдир.

Кўп жойларда хўжаликларда бозор иқтисодиётини, унинг асл моҳиятини, шарт ва талабларини, маъно ва мазмунини англамай туриб, давлат мулкини шунчаки номига, расмиятчилик учунгина жамоа, ширкат, ижара, ҳиссадорлик ва хусусий мулкка айлантириш ҳолларига дуч келаяпмиз.

Айрим вилоят ва туманларда ҳисобот бериш учун, кўрсаткич учунгина қилинаётган бундай ишларни катта афсус билан таъкидлаш мумкин.

Янги ном ва шаклга эга бўлган хўжаликларда иш услуби ва меҳнатга муносабат ўзгармаётгани, ишчиларни рағбатлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш бошқариш эскича қолганини, энг ёмони ишловчилар ўзларини ишлаб чиқариш воситалари ҳамда чиқарган маҳсулотларининг эгаси сифатида ҳис этмаётганлари, бунинг оқибатида ишга муносабатлари ва топилган даромадга қарашлари мутлақо ўзгармаётганини энг аччиқ ҳол деб биламан.

Барча камчилик ва самарасизликлар айни мана шундай аҳволдан келиб чиқиши турган гап.

Расмиятчиликнинг, тўрачиликнинг, бюрократликнинг энг тарқалган бир кўринишини олиб қарайлик.

Кўпчилик туман ва хўжалик раҳбарлари Президентнинг махсус фармони чиққанидан кейин, шунчаки рапорт учун фермерлар сонини кўпайтиришга киришдилар. Бешта қорамоли бор одамларнинг барчаси «фермер» деб ёзилди. Сўнгра, фермерлар сони шу тарзда сунъий кўпайганидан кейин, умумий ҳисоб-китобга келганда, ўртача кўрсаткич жуда паст бўлиб қолаверди. Ана ундан кейин, айрим ўтмишни қўмсаган раислар: «фермерликнинг самараси кўнгилдагидек эмас!» деб нолишга ўтдилар.

Бугун ҳақиқий ишнинг кўзини биладиган, насл танийдиган, унумдорлик нималигини амалда исботлаган фермерларнинг ўзи талаб қиляптики, барака топгурлар, келинглар, бизларнинг мақом ва низомларимизни аниқ белгилаб беринглар, лоақал ўттизта йирик қорамоли бўлган одамгина фермер деб ҳисоблансин!

Бу жуда ҳақли талаб, бешта қорамоли бўлиб, ўзини фермер сонига қўшган одам билан элликта, юзта бўрдоқи ёки сермаҳсул соғин сигирни боқаётган ҳақиқий фермерни бир ўринга қўйиш адолатдан эмас. Муносабат меҳ-

(Давоми 2-бетда).

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Жиззах тумани Ҳамроқул Носиров номидаги жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Низомиддиновлар оиласи ҳамда Термиз тумани «Янгиариқ» жамоа хўжалигидаги Абдулла Қаҳҳор номли 17-ўрта мактабнинг 4-синф ўқувчиси Дилафрўз Тошқулованинг Президентимизга йўллаган мактубларига жавобан уларга Ислом Каримовнинг жавоб мактублари тантанали вазиятда топширилди.

● Фарғона вилоятидаги «Ўзнефтнеқайтаншлаш», «Азот» ва «Фарғонанон» бирлашмаларининг меҳнат жамоалари Наврўз байрамига бағишланган ҳашар ўтказиш, унда ишлаб топилган маблағларни хайрия мақсадлари, шаҳар ва туманларни ободонлаштириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга сарфлаш ташаббуси билан чиқдилар.

● Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон ва Вьетнам жамоат ташкилотлари ўртасидаги кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

● Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси биргаликда махсус дастур мажмуини ишлаб чиқдилар. Бу вазирлик ва жамғарма саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун ишчи гуруҳи ташкил этилди.

● Гулистонда Германиядан келтирилган технология ускуналари ўрнатиладиган чанқовбосди ичимликлар заводи қурилмоқда. Янги корхона яқин орада савдо тармоқларига дастлабки маҳсулотни — «Пепси-кола» етказиб беради.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Россия ахборот агентлигининг маълум қилишича, бугун Қирғизистон Президенти Аскар Акаев икки кунлик расмий ташриф билан Москвага келади. У Россия Президенти Борис Ельцин, ҳукумат раиси Виктор Черномирдин билан ўтказадиган музокараларда икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилади.

● Украина Бош вазирининг ўринбосари Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларининг март ойида бўлиб ўтадиган учрашувида Украина Ҳамдўстлик иқтисодий иттифоқига қўшилиши мумкинлиги ҳақида баёнот берди.

● Бугун Россия чегара қўшинларининг бош қўмондони генерал-полковник Андрей Николаев Алматига келади. У Қозоғистон раҳбарияти билан чегараларни қўриқлашда икки томонлама ҳамкорлик қилиш масалаларини муҳокама этади.

● Грузия собиқ президенти Звиад Гамсахурдиянинг жасади қайта дафн этиш учун Ғарбий Грузиядан Чечен Республикасининг пойтахти Грозныйга келтирилди. Бугундан бошлаб бу ерда Звиад Гамсахурдиа билан хайрлашув маросимлари бошланади. Собиқ Президентнинг жасади 24 февраль куни қайта дафн этилади.

ХОРИЖДА

● Бугун НАТОнинг Боснияга белгилаган қатъий талаби муддати тугади. НАТО Бош котиби Манфред Вернер бу талаб бажарилганлиги — Босния ва Герцеговинада бир-бирига қарши турган кучлар тўп ва танклари асосан Сараеводан олиб чиқиб кетилиб, БМТ назорати остига қўйилганлиги сабабли бу ердаги ҳарбий истеҳкомларга ҳаводан зарба берилмаслигини маълум қилди. Босниядаги вазият АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Россия Президенти Борис Ельцин, НАТО Бош котиби Манфред Вернер билан телефон орқали мулоқотларида ҳам муҳокама этилди. Борис Ельцин, шунингдек, бу муаммо хусусида Германия канцлери Гельмут Коль билан ҳам телефон орқали суҳбатлашди. Сараевога БМТ тинчликни сақлаш кучлари сафидаги Россиянинг 400 нафар аскари ҳам киритилди.

● Бугун Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев Будапештга расмий ташриф билан келади. У Венгриядан сўнг, Польша, Чехия ва Словакияда ҳам бўлади.

● Буюк Британия қироличаси Елизавета II бу йил Россияга боришини маълум қилди. Бу мамлакат тахт эгаларининг 1917 йилдан сўнг Россияга биринчи ташрифи бўлади.

● Туркия пойтахти Анқарада Евроосиё фильмлари ҳафталиги очилди. Унда Ўзбекистон киноусталари «Адашганлар», «Гуноҳ», «Алиф ва Лайло» фильмлари билан иштирок этмоқдалар.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ — ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

нат ва маҳсулот кўламига яраша бўлиши керак.

Ҳукумат қарори билан фермерларга ер ажратилди, лекин маҳаллий ҳокимлар ва хўжалик раҳбарлари бу ерни ўзларича аяган бўлдилар. Кўпинча фермерларга тупроғи унумсиз ёки тошлоқ жойлардаги ташландиқ ерларни ажратдилар. Бу нарса айрим раҳбарларнинг ҳалига қадар бозор иқтисодиёти қонунларини тушуниб етмаганидан, уларнинг фермер аҳлига яхши кўз билан қарамаётганидан дарак беради. Бугун бу ҳолга чек қўйиш муддати келди.

Фермер — бугунги жамиятнинг энг фаол аъзоси. Фаолгина эмас, энг ишончли аъзоси. Бу ҳақиқатни раҳбарлар ўнг қулоғи билан ҳам, чап қулоғи билан ҳам эшитиб олсин. Агар керак бўлса, айрим хўжалик раҳбарлари иш юритишни фермер халқидан ўргансин. Қайси куни кенгашда бир сурхондарёлик ёш фермер айтди: «Колхоз менга ер бермади, қўшни туманга бориб сомоннинг килосини икки ярим сўмдан сотиб олиб келдим, колхознинг 450 гектар бедаси бор, лекин бугун уларнинг ғамлаган озуқаси тугади, менга келиб, сомоннинг килосини юз сўмдан сот, деб ялиниб ўтирибди!».

Бундай ҳолларни кўп жойларда кўриш мумкин. Бир томонда — бепарволик, лоқайдлик, эгасизлик, иккинчи томонда — ташаббус ва изланиш, ҳар қандай оғир аҳволдан ҳам чора топиб чиқиб олиш қобилияти!

Яна такрорлаб айтаман: мулк эгасини топган тақдирдагина ишда унум бўлади, натижа бўлади, фойда бўлади!

Ёки банклар билан фермерлар муносабатини олиб кўрайлик. Фермер молнинг яхшисини фақат бозордан олиши мумкин. Ўз ҳисоб счётидан нақд пул сўраб банкка борса, у ерда «Перечисление йўли билан берамиз», деб айтишади. Бозорда нақд пулсиз савдо қилиб бўлмаслигини банк ходими билмайди, деб ўйлайсизми? Билади, жуда яхши билади. Нақд пул беради ҳам, лекин аввал «шапка»сини олиб, кейин беради!

Бу аҳволга ортиқ чидаш мумкин эмас. Биз бу аҳволга чек қўямиз. Керак бўлса, **таъмагирларнинг нафсини** жиловлаш учун Миллий хавфсизлик хизматини жалб этамиз, жиддий, қаттиқ, аёвсиз чораларни кўришдан ҳам қайтмаймиз.

2. Ислоҳот йўлидаги барча ҳаракатларимизни йўққа чиқарадиган яна бир сабаб, бу — республика давлат бошқарув идоралари, иқтисодий ҳукмрон ташкилотлар, вазирлик, концерн ва уюшмалар, шу жумладан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни раҳбарияти, вилоят, туман ҳукмдорлари фаолиятида хўжаликларга нисбатан эскидан қолган маъмурий-буйруқбозлик, қотиб қолган зўравонлик усулларини ишлатиш, ҳисобот сўраш, янгича иш юритмоқчи бўлган хўжаликларни эски қолипларга киритиш ҳаракатлари барҳам топмаганидир. Бунга ҳам биз тегишли баҳо беришимиз зарур.

Биз махсус қарор билан давлат буюртмасини бекор қилсак, баъзи вазирликлар ва идоралар ўзларининг буюртмасини ўйлаб чиқариб жорий этяпти. Совет тузумидан қолган бундай иш услубидан воз кечиш керак.

Бундай иш услублари ва ҳаракатлар, авваламбор, жойлардаги масъул вазифаларда ўтирган раҳбар ва мутахассисларнинг ўз билимини оширмаганлигидан, бугунги замон талабларига жавоб бермаслигидан, малакаси етишмаслигидан, суяги эски тизим пайтида қотиб қолганидан далолат беради.

Биз яқинда шундай қарорга келдик: ҳар қайси вилоят ва туман раҳбарларини чет элларга юборамиз. У ерлардаги хўжалик юритиш тарзини, фикрлаш йўсинини, меҳнатни ташкил қилишни кўришимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз керак. Манфаатли, фойдали битимлар тузиш даркор. Мабодо бу ишлар бугун натижа бермаса, эртага самара бериши муқаррардир.

Шуни очиқ айтиш керакки, расмиятчилик, кўзбўямачилик ва билим ҳамда масъулият етишмаслиги билан бирга айрим жойларда масъул ходимлар томонидан янгиликларга мутлақо зид ёндашувлар содир этилаётганини кузатиш мумкин. Бозор иқтисодиёти йўлида қилаётган ҳаракатларимизнинг афзаллигини ва обрўсини оддий меҳнатчилар кўзи олдида пастга уришга ҳаракат қилиш ҳоллари ҳам кам эмас.

3. Қишлоқ хўжалиги тармоғида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳот борасидаги яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор бериш керак.

Деҳқон (фермер) хўжаликлари сонини кескин оширишда, уларнинг меҳнат самарадорлигини ва пировард натижаларини кўпайтиришда ечимини кутаётган муаммо ва масалалар бор.

Шулардан бири, фермер (деҳқон) хўжалиги ва шу хўжалик ташкил қилинган ерда фаолият кўрсатаётган давлат ёки жамоа хўжаликлари, совхоз, колхоз ширкатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқ бир йўлга қўйиш, уларнинг алоқаларини ҳуқуқий замин асосига қуриш зарур.

Биз буни хоҳлаймизми ёки йўқми, лекин кўпчилик жойларда ислоҳотни татбиқ этишда ҳамма нарса айрим юқори поғонада ўтирган бюрократ шахсларга, уларнинг кайфиятига боғлиқ бўлиб қолган.

Иқтисод, моддий манфаат четда қолади-ю, жумбоқларнинг ечилиши баъзи бир раҳбар шахсларнинг дунёқарашига, бозор иқтисодиётига ва замон талабига қарашларига тақалиб қолаётган ҳолларни кўриш мумкин.

Хусусий мулк эгаси ёки ҳиссадорлик мулкига ўтган хўжалик фаоллари ҳукмдор остонасида ялиниб, сўраб юрмасдан, ҳар доим қонундан мадад топгани маъқул.

Ҳаётимиз, иқтисодиётимизнинг манфаати ва келажаги чамбарчас боғлиқ бўлган ислоҳот ўтказилаётган бир пайтда, тақдиримизни айрим расмиятчи шахс қўлига топшириб қўймасдан, у ким ва қайси лавозим эгаси бўлмасин, барча ҳолларда қонуний асосга, аксарият жамиятимизга маъқул бўлган низом ва бошқа қарорларга таяниб иш юритишимиз даркор. Бу — ҳар қайси ҳуқуқий давлатнинг тажрибасидир.

Айни масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Агар биз ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, ўз манфаатини ўйлаб, нафс балосига гирифтор бўлиб юрган айрим мансабдорларнинг сонини камайтирмоқчи бўлсак, уларнинг насибасини кесиб қўймоқчи бўлсак, қонуний, ҳуқуқий ҳужжатларимизни тез тайёрлаб, тезроқ қабул қилишимиз керак.

4. Ечилмаган муҳим муаммолардан яна бири, бу жамоа, ширкат, фермер хўжаликлари учун, деҳқонларимиз учун қишлоқ жойларда қулайлик яратиш; хизмат кўрсатувчи ташкилотларни кооперация асосида ишлайдиган тижоратчиларни уюштириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқда керакли шарт-шароитни бунёд этишдан иборатдир.

Бундай ташкилотлар ишини—банк ва суғурта муассасаларидан бошлаб, маиший хизмат, савдо хизмати, техника ускуналари ва мосламалари, уруғ ва ўғит таъминоти, ветеринария ва зоотехника хизматини — йўлга қўйиш каби муаммолар ҳам ўз ечимини кутиб турибди.

Агар тайёрлов ташкилотларини олиб қарасак, уларнинг кўпчилиги ҳамон эски, марказлаштириш давридан қолган сарқит услубларда ишлаяпти. Улар аввал ўзининг фойдасини, ўзининг даромади ва манфаатини ўйлайди, холос.

Шу борада қуйидаги масалаларни ечиш лозим:

— ким кимга хизмат қилиши керак?

— ким кимнинг ортидан юриши лозим?

— асли ким кимни боқади?

— ким кимдан манфаатдор бўлиши керак?

— деҳқонлар улар учун меҳнат қиладими ёки буларнинг барчаси деҳқонга хизмат қилиши керакми?

— ким кимнинг орқасидан кун кўради?

Агар хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиган кўпчилик раҳбар ва фаоллардан шуларни сўрасангиз, аксарияти тўғри жавоб беролмайди. Нима деганда, уларнинг кўпчилиги эски тизим заминида тарбия олган. Улар бир муҳим ҳақиқатни англамайдики, агар деҳқон бақувват, бадавлат, кучли бўлса, деҳқоннинг ошиғи олчи келса, бундан хизмат ташкилотларининг ҳаммаси ҳам ўз манфаатини кўриши мумкин.

Мана, биргина ўтган мавсумнинг аччиқ тажрибасини олайлик. Республикамизнинг барча туманларида, хўжаликларида, Фарғона водийсини оласизми, Тошкент, Жиззах, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларини оласизми, деҳқонларнинг пешона тери ва маҳорати билан мўл ҳосил етиштирилган эди. Аммо табиат инжиқлиги уларга зарар етказди, ҳосилнинг кўп қисми далада қолиб кетди. Етказилган зиённи, йўқотилган даромадни ким қоплайди?

Бугунги давлат суғурта бошқармаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари агар қопласа ҳам, худди ўзининг киссасидан бергандек, товоннинг маълум бир қисмини катта азоб-уқубатдан кейин хўжаликларга қайтариши мумкин, лекин буям гумон.

Тараққий топган давлатлар тажрибасини олсак, эркин иқтисодиёт шароитида яшовчи хўжаликларни мисол келтирсак, суғурта тизимининг нохуш келган мавсумларда етказилган зарарни қоплаш тажрибаси ва тартиби мутлақо бошқача.

Чорвадор-фермерларимиз билан кўп гаплашамиз. Уларга ихчам сут заводлари, пишлоқ цехлари, колбаса чиқарадиган тармоқлар жуда керак. Сир эмас, сутчиликка ихтисослашган айрим фермерлар сутга харидор тополмай, топширмоқчи бўлган сути йўлда ачиб қолиб, ноиложликдан гўшт етиштириш йўлига ўтишга мажбур бўлди. Нима, халқимизга сут гўштга нисбатан камроқ керакми?

Ҳамма нарса керак. Ҳамма нарсанинг ўз харидори топилади. Аммо маҳсулотни қайта ишлаш учун шароит яратилмас экан, фермерларимизнинг оворагарчилиги тугамайди. Ҳар ким ўз ишини қилиши керак. Фермер сут етиштирадими, отасига балли, у етиштирган сутни ўз вақтида харидорга етказиб берадиган ёрдамчи тайёрлов ташкилотлари, воситачи сервис ширкатлари бўлмоғи шарт. Бу мақсадни тўлиқ амалга оширишни биз ўзимизнинг қатъий вазифамиз деб билишимиз лозим.

Бугунги кунда аҳвол қандай? Фермерлар «Ўзинг учун ўл, етим!» деган қабилда ҳаракат қилишга мажбур. Ахир, ўзингиз ўйланг, у соғин сигирларга қарасинми ёки соғилган сутига харидор излаб уёқдан-буёққа югурсинми? Агар унинг сутни қайта ишлаб, сариёғ, қаймоқ, пишлоқ, сузма каби маҳсулотлар чиқарадиган ихчамгина цехи бўлса, олам гулистон эди!

Деҳқон (фермер) хўжалигига, янги тузилаётган ҳиссадор ташкилотларга техника керак, қурилиш материаллари керак, ем керак, хашак керак, эҳтиёт қисмлар, гаров эвазига ва узоқ даврга бериладиган чекланмаган банк кредити керак. Кенг кўламда ишни бошламоқчи бўлган ёки ишни бошлаб қўйган шундай хўжаликлар айни пайтда хизмат кўрсатадиган ташкилотлар кўмагига муҳтож.

Уларга ёрдам бериш учун бурчли ташкилотлар, хусусан, моддий-техника таъминоти қўмитаси, «Тадбиркор» банки ва бошқа банклар, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Узсельхозхимия», Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ва бошқалар, шулар қаторида ва балки биринчи навбатда маҳаллий ҳокимликлардан ҳам ҳалоллик ва чинакам холислик талаб этилади.

5. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган иқтисодчи олимлар ҳақида алоҳида гапириб ўтсак, ўринли бўлар деб ўйлайман.

Иқтисодчи олимларимиздан биз қишлоқда кўп тармоқли иқтисодиётни барпо этиш, деҳқонларнинг юқори унумли меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш йўллари ва усуллари тўғрисида аниқ таклифлар кутамиз. Афсуски, бундай тавсиялар бугун йўқ.

Энг қизиғи шундаки, Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг юздан ортиқ хўжалиги бўла туриб, бирортасида ҳам йирик иқтисодий тажриба ўтказилгани йўқ. Буни қандай тушунса бўлади?

6. Яна бир фикрга тўхталиб ўтишимиз керак. Давлат маблағи билан хўжаликлар топган маблағни ажратиб қўйиш лозим. Деҳқон топган маблағ ва бойликларга кўз олайтириш, деҳқон бўйнига ҳар хил боқиманда ташкилотларни мажбуран осиб қўйиш, уларни деҳқон ҳисобидан боқиш асло чидаб бўлмайдиган ҳолдир!

Фермерлар — аграр ислоҳот тизимининг биринчи қалдирғочлари. Уларнинг қанотини синдирмайлик. Уларни асраш, авайлаш, парваришлаш керак. **Фермерларимиз кўрсатилган бир яхшиликка минг яхшилик билан жавоб қайтаришига имоним комил.**

Ҳурматли дўстлар!

Юқорида айтиб ўтилган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий ислоҳотнинг муҳим масалалари, муаммолари ва уларнинг ечими бўйича бугунги мажлис муҳокамасига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари тайёрланган. Шу қарорларнинг лойиҳалари мутахассислар ва мутасадди ташкилотлар иштирокида вилоят ва туманларда кўриб чиқилди.

Бу қарорларнинг асосий мазмуни ва мақсади нималардан иборат? Келинглар, бир нарсани яхшилаб, узил-кесил англаб олайлик.

Биз кўп тармоқли хўжалик юритишнинг афзалликларини амалда синаб кўрдик. Энди бу тажрибани мамлакат миқёсида ёйиш пайти келди. Янги аграр таркибларда меҳнаткашларнинг ўрни ва таъсири янада ошиши, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва энг муҳими, уни сотишдаги мустақиллиги тўла таъминланиши лозим.

Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалигини бошқариш таркибида тегишли ўзгаришлар қилишни ҳаётнинг ўзи ва орттирган тажрибамиз талаб қилмоқда.

Хўжаликларнинг молия-хўжалик фаолиятларига аралашмаслик ҳақида қўйилган талабларимиз бугун фақатгина қоғозда қолиб кетяпти.

Шунинг учун ҳам, вилоят ва туман деҳқончилик-саноат уюшмалари ва бошқа қишлоқ хўжалик органларининг ҳуқуқларини ва умуман, ички моҳияти ва шаклини қайтадан кўриб чиқишимиз зарур, деб ўйлайман.

Уларнинг ўрнига хўжаликлар билан шартнома асосида ишлайдиган, хўжаликларга малакали ва моддий ёрдам берадиган ҳиссадор ташкилот хизматларини ташкил этишни замон тақозо қилмоқда.

Ҳақли бир савол туғилади: эски деҳқончилик-саноат уюшмалари агросервис хизматига айлантирилса, улар деҳқонлар билан шартнома асосида ишлаб, уларга техникаю ўғит ва бошқа нарсаларни етказиб беришни зиммага олса, булар ўз хизматларига отасининг нархини қўймайдими? Рақобат бўлмаган жойда техника ёки ўғит арзонлашадими?

Йўқ, бундан хавотир олмаслик керак. Талаб бўлган жойда рақобатчи кучлар ва ташкилотлар албатта пайдо бўлади. Яна бир нарсани айтиш керакки, агросервис ташкилотлари учун шу кунгача мавжуд бўлган ички чегараларни олиб ташлаш мумкин. Дейлик, фермер ёки жамоа хўжалиги ўз туманида агросервис тузган шартнома нархидан қониқмаса, қўшни туман агросервиси билан шартнома тузади. Масалани ечишнинг бошқа йўллари ҳам бор. Умуман, биз тадбиркорлик йўлига қўйилган турли ҳудудий ғовларни йўқотиш, мамлакат ҳудудини яхлит ҳис этиш йўлидан борсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қолаверса, «Ўзқишлоқхўжтаъминоттузатиш» қўмитасининг вилоят ва туман ташкилотлари очиқ ҳиссадорлик жамиятларига айланади ва хўжаликлар ўз навбатида бу жамиятларнинг акцияларини сотиб олиши ва унинг фаолиятида бевосита иштирок этиши мумкин.

Қарорда ҳар қайси туманда шартнома асосида техника хизмати кўрсатиш ва барча қишлоқ хўжалик ишларини бажариш бўйича сервис (хизмат кўрсатувчи) пунктлар очилиши белгиланган.

Ҳар бир туманда жамоа хўжаликларига, кооперативларга, деҳқон хўжаликларига ва шахсий хўжаликларга бир хил кўз билан қарайдиган, моддий-техника ресурслари, эҳтиёт қисмлар сотадиган икки-учтадан ихтисослашган дўконлар барпо этиш назарда тутилган.

Аҳолига қишлоқ хўжалиги экинлари уруғи, кўчатлар, минерал ўғитлар сотувчи дўконлар ташкил этиш ҳам қарорда кўрсатилган.

Жамоа, ҳиссадорлик ва хусусий хўжаликларнинг яна бир муаммоси, ташвиши — кредит масаласини ечиш!

Қарорда тегишли банкларимизга биринчи навбатда деҳқон (фермер) хўжаликларига, кичик корхоналарга, кооперативларга керакли моддий-техника, уруғлик, мол, озуқа ресурсларини сотиб олишлари учун, уларнинг мол-мулкларини гаровга қўйган ҳолда, имтиёзли, чекланмаган миқдорда ва 10 йиллик муддатга кредитлар ажратиш топширилган. Олдинги қарорларда белгиланган кредитлар олиш чегаралари олиб ташланади.

Жуда муҳим масалалардан бири, бу — деҳқон (фермер), ҳиссадор ва хусусий мулк эгалари етиштирган маҳсулотларни эркин (келишилган) нархлар бўйича тўсиқсиз қабул қилиб олишдир. Бу масалани ечишда ҳам мутасадди ташкилотларга етарли ҳуқуқ берилган.

Азиз дўстлар!

Ҳаётимизда кўп учрайдиган яна бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Бозор муносабатларининг мазмуни шуки, зарар кўриб ишлайдиган хўжаликлар ўз-ўзидан синади. Агар мавжуд мулкчилик шакли иқтисодий самара бермаса, хўжалик аъзолари қачон нонсиз қолишини кутиб ўтирмасдан, айни хўжаликларни мулкчиликнинг бошқа, фойда ва унум берадиган шаклларига ўтказишга имкон бор. Яна такрорлаб айтаман: қолоқ хўжаликнинг синишини кутиб ўтиришга ҳам, давлат томонидан касалнинг оғзига сув томизгандай дотация бериб ўтиришга ҳам имкониятимиз йўқ. Бундай қилиш бозор иқтисодиёти тамойилларига хиёнат бўлур эди!

Уларни бошқа мулк шаклларига ўтказиб, одамларнинг тадбиркорлик ва меҳнат лаёқатларига кенг йўл очиб беришимиз зарур.

Яна бир муҳим гап: биз шу кунга қадар чорвадор фермер ва пахтакор деҳқон хўжаликларига кўпроқ аҳамият бердик. Боғдорчилик соҳасида ҳам ўзгаришлар бўлди, лекин улар нисбатан кам. Янги ҳужжат бу бўшлиқни ҳам тўлдиради. Боғлар ва узумзорларнинг кичикроқ участкалари асосий фондларини сотиб олиш шарти билан хусусий мулк этиб берилади. Ўйлайманки, бу тадбир ҳам иқтисодий эркинликлар кенгайишига жонли мисол бўла олади.

Чорвадор ва деҳқон фермерларнинг, умуман, қишлоқ хўжалик ташкилотларининг техника таъминоти масалалари қарорларда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда техника чиқарувчи завод билан хўжаликлар орасида воситачи, эскича айтганда, даллол кўп. То техника деҳқонга бориб етгунча унинг нархи осмонга чиқиб кетади. Қарорга кўра, завод билан харидор ўртасида бевосита алоқа ўрнатилиши лозим.

Давлат буюртмалари ҳақида. Хўжаликларнинг эркинлигини кучайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат томонидан белгиланган буюртмалар, пахта, дон, гўшт ва сут маҳсулотларидан ташқари, барчаси бекор қилинади.

Давлат буюртмаси пахта ва ғалла учун 75 фоиз, гўшт ва сут учун 50 фоиз қилиб белгиланади. Келажакда бу кўрсаткичлар яна камайиб боради.

Қишлоқларда жойлашган қайта ишлаш билан машғул кичик корхоналар, ёрдамчи хўжаликлар учун даромад солиғи миқдори тенг яримга қисқаради. Бу имтиёз эгалари сони яна кенгайиши мумкин. Айни шу тадбирлар, шубҳасиз, ишлаб чиқарувчининг моддий манфаатдорлигини ва иш унумини оширади.

Энг муҳими, ўртоқлар, биз бу қарорларда, бозор муносабатларига ўтиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда назорат этувчи, буйруқ берувчи ва ҳисобот сўровчи турли ташкилотларнинг, биринчидан, сони кескин камайиши, иккинчидан, иш услуби қатъиян ўзгариши кераклигини назарда тутганмиз.

Эски замондан қолган, юқоридан туриб кўрсатма бериб юрган ташкилот ва уларнинг раҳбарларини огоҳлантириб қўймоқчиман:

— улар қонунга ва замонга хилоф иш ҳамда тажрибалардан воз кечсинлар, ўша эски пайтларни ҳавас ҳам қилмасинлар! Жазоси қаттиқ бўлади. Буни олдиндан айтиб қўйишимиз керак.

Қишлоқ хўжалигида бевосита ишлаб чиқарувчининг ўзи хўжайин бўлиши шарт. Унинг хўжалик ва молиявий фаолиятига бировларнинг ортиқча аралашувига йўл қўймасликни қаттиқ назоратга олишимиз керак.

Муҳтарам дўстлар!

Кейинги икки йилда ҳаёт бизни кўп машаққатли синовлардан ўтказди, кўп қийинчиликларга дучор қилди. Бунга чидаганлар ҳам бўлди, чидамасдан ўзини четга олганлар ҳам бўлди. Бир чеккада, тўшакни қалинроқ солиб, ўтмиш қачон қайтаркин, деб кутиб ётганлар ҳам бўлди.

Эски тизим ва эски ҳаётни қўмсаётган шахсларга аниқ жавоб беришимиз керак, деб ўйлайман.

Бугун биз ўзимизни анча тутиб олдик, қаддимизни анча ростладик, анча тажрибага эга бўлдик. Ўзбекистон учун олға юришдан, ислоҳотни изчил амалга оширишдан ўзга йўл йўқ. Буни каттаю кичик — ҳаммамиз англаб олишимиз лозим.

Халқимиз ислоҳотни қўллаб-қувватлаб, фаровон ҳаётга эришиш мақсадида белини қаттиқ боғлаб меҳнатга киришди.

Ислоҳотларимизнинг муваффақияти барчамизнинг тақдиримизни ва келажагимизни ҳал этади. Мана шу олижаноб меҳнатингизда ҳаммангизга доим омад ёр бўлсин! Юртимиз тинч ва омон бўлсин!

** Матбуот кўзгусида*

Ўзбекистон: ислоҳот йўлидаги инқилобий қадам

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг январь ойининг иккинчи ярмида эълон қилинган «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳеч муболағасиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари оммавий ахборот воситаларида ҳам, олис хориж матбуотида ҳам жуда катта қизиқиш уйғотди. МДҲ ҳудудидаги етакчи газеталар, жаҳон ахборот маҳкамалари, телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниялари шу ҳужжатнинг мазмунини батафсил баён қилиб берди, кўпинча ҳужжат кенг шарҳланди. Матбуотда бу ҳужжатга асосан бир хил баҳо берилмоқда: Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини барпо этишда мислсиз ҳаракат қилинди, ислоҳот йўлида чинакам инқилобий қадам қўйилди.

«Известия» газетаси тошкентлик мухбири Ш. Зайнутдиновнинг хабарини «Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига мислсиз очиқ йўли» сарлавҳаси остида эълон қилди, унда Президент Фармонининг матни кенг баён қилинди. Газета: «Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, ишбилармонликни ривожлантириш ва иқтисодиётга чет эл сармояларини кенг жалб этиш юзасидан мислсиз чоралар кўрилди», деб хулоса чиқарди.

Савдо-саноат доираларида нуфузли ҳисобланган «Мегаполис — экспресс» Москва газетаси Президент Ислом Каримовнинг Фармони матбуотда эълон қилингани ҳақида хабар бериб, Саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгрессининг раҳбари Аркадий Вольский конгресснинг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида мазкур фармонга берган юксак баҳони келтиради. Конгресс мажлисида йигирма мамлакат делегацияси қатнашган эди. Конгресс раҳбарининг фикрича, бу фармон республиканинг бозор муносабатларига ўтишига катта истиқболлар очади.

Касаба уюшмаларининг «Труд» газетаси газетхонларни Ўзбекистонда қабул қилинган дастурий ҳужжат билан таништириб, айни пайтда республикада бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чоралари изчиллик билан амалга оширилаётганига эътиборни қаратади. «Ўзбекистонда хусусийлаштириш анча муваффақиятли амалга оширилмоқда: уй-жойлар юз фоиз хусусий кишилар қўлига ўтди, — деб ёзади муаллиф. — Ижтимоий муҳофаза доирасида пенсионерлар, ногиронлар, ижодкор ходимлар ва камбағал оилаларга квартираларнинг 36 фоизи текинга берилди...»

«Ҳозирги Ўзбекистон фахрланса бўладиган ишларни амалга оширмоқда: ўтган йили бошқа собиқ Иттифоқ республикаларидан фарқли равишда, бу ерда ишлаб чиқариш камаймади, аксинча 4 фоиз ўсди. Мутахассисларнинг фикрича, бу кўрсаткич бу йил камида 15 фоизни ташкил этади». Бу сатрларни биз журналист Меҳмон Гафарлининг «Сегодня» («Бугун») газетасида эълон қилинган шарҳидан келтирдик. Муаллиф қабул қилинган ҳужжат таҳлилида ифодаланган ўз нуқтаи назарини баён қилиб, бундай ёзади: «собиқ СССР республикалари орасида Ўзбекистон хорижий сармоялар ҳажми жиҳатидан биринчи ўринда туради. Бу, аввало, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорликнинг натижасидир, албатта».

РАТА—ТАСС дипломатия шарҳловчиси Владимир Таранов ҳам Ўзбекистон Президентининг январь ойидаги Фармонига тахминан худди ана шундай нуқтаи назардан баҳо беради. Унинг шарҳи ахборот маҳкамасининг каналлари орқали бутун жаҳонга тарқатилди. «Республика ҳукумати бозор ислоҳотларини амалга оширишни давом эттириб, халқнинг меъёрий турмушини таъминлашга интилмоқда, — дейилади бу шарҳда. — Ўзбекистонда 120 га яқин миллат ва элат тинч-тотув яшамоқда. Улар эртанги кунга ишонч билан қарашади ва ҳукуматнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини қўллаб-қувватлаш! учун ҳамма ишни қилишмоқда».

Россиянинг «Вести» телепрограммаси ўз кўрсатувларида Ўзбекистон Президенти Фармонига шарҳни бир кунда икки марта такрорлади. Кўрсатувни олиб борувчи ҳужжат эълон қилингани ва унинг мазмуни, шу муносабат билан Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонасида журналистлар билан бўлган учрашув ҳақида хабар қилиб: «иқтисодчиларнинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг Фармони республикада ислоҳотлар йўлидаги теран тадбиргина эмас, балки инқилобий қадам ҳамдир» деб таъкидлади. Телепрограмма муаллифлари кечки кўрсатувда шу хабарни яна такрорлаб, «Ҳужжат алоҳида эътиборга сазовор, чунки у ишбилармонликка Россия тажрибасидан фарқли равишда катта эркинлик беради. Башарти биз яқин хориж тажрибасига назар солмасак, ўз тажрибамиз учун уч баравар ҳақ тўлашга тўғри келиши ҳам мумкин» деган сўзлар билан шарҳни тўлдиришни лозим топди.

«Московская правда» газетаси бу воқеага баҳо беришга худди шу тарзда ёндашиб, ўз шарҳини «Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига сакраши» сарлавҳаси остида эълон қилди. «...Ўзбекистон раҳбариятини бозор иқтисодиёти сари ҳаракат қилиш суръати хусусидаги муайян консерватизм учун бир неча бор танқид қилишган эди, — дейилади унда, — энди Ўзбекистон кўплар учун кутилмаган ҳаракатни қилди, бу ҳаракат бошқа МДҲ мамлакатларидагидан теранроқдир. Президент И. Каримов Фармонида белгиланган чора-тадбирлар иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олади... Уларни амалда рўёбга чиқариш учун республика мустақиллиги эълон қилингандан сўнг етарли даражада ишончли асос яратилган».

Шуниси диққатга сазоворки, ҳатто муаллифлари Президентимизга, ҳукуматимизга ва умуман Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгартишларга хайрихоҳ бўлмаган нашрлар биз томонга заҳарли найза отиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб келган бўлсалар, бу гал фикрларини ўзгартиришга мажбур бўлди.

«Подмосковние известия» газетаси Ўзбекистон Президентининг январь ойидаги Фармони ва шу муносабат билан республика элчихонасида журналистлар билан бўлган учрашув ҳақидаги хабарни «Ўзбекистон гуллаб-яшнаяптими?» сарлавҳаси остида эълон қилиб, шу матннинг дастлабки қисмидаёқ сарлавҳадаги савол белгисини олиб ташлайди. «Ўзбекистонда ҳақиқатан ҳам чинакам бозор иқтисодиёти йўлига ўтилди, — деб эътироф этади хабар муаллифи. — Лекин энг муҳими шуки, аҳоли манфаатларига путур етмади. Биринчи навбатда ерда меҳнат қиладиганларнинг ҳуқуқлари тўғрисида ғамхўрлик қилинди. Мамлакатга Ғарб сармояси жалб этилди. Жуда муҳим қўшма корхоналар қурила бошлади». «Ғарбдаги сармоядорлар ўз сармояларини сарфлаш учун нимага Ўзбекистонни танлашди? — деб сўрайди сўнгра муаллиф ва ўзи жавоб қайтаради: — Бу ерда жиноятчилик авж олмаган, вазият эса жуда барқарор».

Шу нуқтаи назардан қараганда, «Московское новости» газетасида «Тошкент эшикларни катта очмоқда» сарлавҳаси остида эълон қилинган материал диққатга сазовордир. Унинг муаллифи Санобар Шерматова Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга танқидий муносабати билан ном чиқарган, шунга қарамай, ўтган йилнинг декабрида республикада иқтисодий йўлнинг ўзгариши белгилари яққол кўзга ташланганини эътироф этади. У Ўзбекистон Президентининг Фармони, шунингдек Олий Кенгашнинг иқтисодиётга эркин тус бериш, ишбилармонликни ривожлантириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қарори ҳақида гапириб, «бу ҳужжатларнинг кўп бандлари МДҲ республикаларида ўхшаши бўлмаган янгиликдир», деб таъкидлайди.

Муаллиф Президентнинг январь Фармонида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг таъсирчанлигини эътироф этиб, «Ўзбекистоннинг янги иқтисодий сиёсати • жамиятни ялпи бошқариш ўрнига бошқарувнинг» эндиликда ҳамма тан олган, пухтароқ ва самаралироқ «бозор механизмларини таклиф этади» деб таъкидлаб, айни пайтда асалга бир томчи қора мой томизиш одатидан воз кеча олмайди: «Нақадар ғализ бўлмасин, Ўзбекистон қаттиққўл Президент ҳокимияти ва итоаткор Олий Кенгаш билан ислоҳотчи Президент ҳокимияти чеклаб қўйилган Қирғизистонга нисбатан ислоҳотларни осонроқ амалга ошира олади. Дарвоқе, — деб ёзади у, — Ўзбекистон ҳам, Қирғизистон ҳам мисли йўқ йўлдан бормоқда».

Бу фикр тўғри. Ҳар кимнинг ўз йўли бор.

Шарҳни
Алфред БАРАНОВ
тайёрлаган.
(ЎзА).

ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

⊙ Биатлончиларнинг 15 километрлик пойгасида канадалик Мариам Бедар олтин медални қўлга киритди. Шоҳсупанинг иккинчи ва учинчи поғонасидан Анн Бриан (Франция), Уши Дисль (Германия) жой олдилар.

⊙ Қишки олимпиаданинг энг асосий қаҳрамонларидан бири И. О. Косс олтин медали учун олган 30 минг долларини олимпия ёрдами жамғармаси ҳисобига ўтказди. Бу пуллар Босния аҳолисига ёрдам сифатида юборилади.

⊙ Австрия олимпия комитети ўз вакили, бобслейчи Герхард Рейнернинг таъқиқланган кимёвий моддалар қабул қилганлигини сезиб қолиб, ўз ташаббуси билан олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этди. Касби полициячи бўлган бу спортчи энди тартибни сақлаш органлари сафидан ҳам ҳайдалади, чоғи.

⊙ Лиллихаммерда олимпиада дастуридан ўрин олмаган яна бир мусобақа бўйича йигирмага яқин мамлакат вакиллари баҳслашадилар. Қордан турли шакллар ясаш баҳсида ғолибликка асосий даъвогар сифатида Швеция ва Эстония жамоалари тилга олинмоқда.

Олтин нишонлар—тошкентлик курашчиларда

Туркияда жаҳондаги ўн тўрт мамлакатнинг энг кучли грек-рим кураши усталари иштирокидаги йирик нуфузли халқаро турнир ниҳоясига етди. Унда республикамиз вакиллари ҳам қатнашиб, умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Халқаро мусобақанинг 48, 52 ва 62 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги қизғин беллашувларда тошкентлик спортчилар Ғайрат Абдуллаев, Шамсуддин Худойбердиев, Баҳодир Қурбоновлар зўр техник маҳорат кўрсатган ҳолда турнирнинг олтин нишонларини қўлга киритдилар.

Ҳамюртларимиздан Наврўз Усмонов (57 килограммгача вазн тоифаси, Самарқанд вилояти) ҳамда 100 килограммгача курашчилар ўртасида Бухоро вилояти вакили Шуҳрат Саъдиевлар тўртинчи ўрин билан кифояланишди.

Дамир ИСЛОМОВ.

Кулинг дўстлар, умрингиз узун бўлади

Юсуфжон қизиқ ШАКАРЖОНОВ.

ЭРГАШ: Кеча қўлингиздаги хўппа семиз портфелни кўриб, сизни **«Ревизор»** деб ўйлабман.

ИҲЛДОШ: Мен бўлсам, сизни **«Шоҳ Эдип»** деган ўйда икки букилиб, **«Таъзим»** қилибман-а!

ЭРГАШ: **«Ревизор»** бўлсангиз ҳам сизда **«Номус»** йўқ экан. Келмасингиздан **«Ҳуррият»**га **«Алпомиш»**дек **«Беш кунлик куёв»** бўлиб олибсиз.

ИҲЛДОШ: Жуда ерга урманг, ҳали **«Куёв»** бўлганимча йўқ, ўзингиз ҳам **«Нурхон»**, **«Офтобхон»**ларни кўрганда **«Рустам»**дай кучлиман дея, мақтаниб, уларни ҳам қўлга олмоқчи бўлдингиз-а?!

ЭРГАШ: Бу борада сиздан ўтадигани йўқ. **«Мавлоно Муқимий»**нинг севги тўғрисидаги ғазалларини ўқиб, бор **«Истеъдод»**ни ишга солдингиз, ҳатто **«Сурмахон»** ҳам атрофингизда **«Парвона»** бўлиб қолди.

ИҲЛДОШ: Қўйинг-а, **«Ўғил уйлантириш»**дан кейин ҳам **«Нодира»**га **«Чўри»**ингман, деб, ялиниб юрганмишсиз, буни ўз қулоғим билан эшитдим.

ЭРГАШ: Бу туҳмат! Агар шу гап тарқалган бўлса бу — **«Майсаранинг иши»**!

АСКИЯ

(САҲНА АСАРЛАРИ ПАЙРОВИ)

ИҲЛДОШ: Йўқ, **«Ўн учинчи ранс»**имиздан эшитдим бу гапни.

ЭРГАШ: У киши тўғрисида **«Ранс уйланармиш»** деган миш-мишни тарқатган ҳам ўша.

ИҲЛДОШ: Гапни бировга тиркаманг, ўз кўзим билан кўрдим, исмингизни яшириб, **«Тошболта ошиқ»**ман деб, **«Қари қиз»**нинг бошини айлантираётганингизни, ҳатто **«Стадионда учрашамиз»** деганингизни ҳам эшитганман.

ЭРГАШ: Ўша **«Қари қиз»** деганингиз, қари эмас, ажойиб **«Тоғ гўзали»**, унга азбаройи берилиб кетганимдан **«Икки билакузук»** **«Совға»** қилдим.

ИҲЛДОШ: Ҳа, ўлманг, энди ростига кўчдингиз, ўша **«Гули сиёҳ»** **«Гавҳари шамчироқ»** бўлиб кўзингизга кўринган, кейин **«Олтин кўл»**нинг қирғоғида сени севаман деб, **«Қасам»** ичгансиз. Бу гапни **«Водиллик келин»** қулоғи билан эшитибди.

ЭРГАШ: Эшитса эшитар, **«Ёшликда берган кўнгил»**, барибир **«Уйланиш»** керак.

ИҲЛДОШ: **«Кимга тўю кимга аза»**. Сиз уйланмоқчи бўлган гўзал, менинг **«Холисхон»**им эди, йўлдан урдингиз, орзу-хаёлларим **«Тор-мор»** бўлди.

ЭРГАШ: Дўстим, энди **«Юрак сирлари»**ни очишга тўғри келади... хотиним вафот этган. Сиз ҳам, у ҳам, яъни **«Уч бўйдоқ»** эканмиз. Ёши сал катта бўлгани учун **«Ёр-ёр»** аввал бизникида бўлсин, кейин агар сизда **«Чин муҳаббат»** бўлса, **«Фарғона тонг қизи»**, соҳибжамол **«Дилбарим»**га таништириб қўяман. Ё **«Ойжамол»** дурустми?

ИҲЛДОШ: Сизда **«Диёнат»** йўқ экан. Нима қилай, **«Икки тақдир»** ўзимга муносиб **«Келин»**ни ўзим топаман. Сиздек **«Олифта»**нинг **«Маслаҳат»**ига муҳтож эмасман.

ЭРГАШ: **«Шум бола»** экансиз, ҳадеб бидирлайвермай, гапга қулоқ солинг, **«Узилган торлар»**ни улаган билан бўлмайди. **«Тоғ гўзали»** бўлмаса **«Гулсара»**, **«Зебунисо»**лар бор. Бирига уйланинг, тўйда бир **«Гурунг»** бўлсин, ахир?!

ИҲЛДОШ: Нимаям дердик, **«Бояқиш — тўтиқуш»** бўлиб, хўп деймиз-да. Хўп, хайр, **«Тунингиз хайрли бўлсин»**!

ЭРГАШ: **«Матонат»**ингизга балли!

Раҳмонбек ИСЛОМОВ.

ФАРАНГ ЛОФЧИЛАРИ СУҲБАТЛАШГАНДА...

Марселлик лофчи: — Бир куни мен шундай катта балиқ тутдимки, уни сувдан тортиб олиш учун ўн киши керак бўлди.

Гасконлик лофчи: — Мен, мен-чи, бир куни чунонам улкан балиқ тутиб олдимки, уни денгиздан тортиб олганимда, денгизнинг суви нақ бир метрга камайди-я.

* * *

Бир гасконлик лофчи марселликни кўчада учратди.

Гасконлик лофчи: — Билазисизми, дўстим, бизда-чи, қўзиқоринлар дуб дарахтларига ўхшаб жуда баланд ўсади.

Марселлик лофчи: — Иявой... шу ҳам қўзиқорин бўлибдими, оғайни! Бизда ўша қўзиқосиз айтган дублар қўзиқоринларнинг тагида ўсади. Мана буни қўзиқорин деса бўлади.

* * *

Марселлик лофчи: — Гаров ўйнаб айтаманки, ҳеч ким мендек узоқни яхши кўролмайди. Масалан, мен ҳозир шу ердан туриб черков қўнғироқхонасининг тепасида учиб юрган пашшани кўриб турибман.

Гасконлик лофчи: — Мен пашшани кўрибгина қолмай, ҳатто унинг оёқ товушларини ҳам жуда яхши эшитяпман.

* * *

Гасконлик лофчи: — Бизда кунлар шундай иссиқ бўлдики, асти қўяверасиз, уйимнинг ёнидаги сой бир-ку, сиз уни жуда яхши биласиз, у шундай қуриб қолдики, одамлар унинг ичидан челакларини тўлдириб-тўлдириб қисқичбақалар тутиб олишди.

Марселлик лофчи: — Э, шу ҳам иссиқ бўлибдими, оғайни, бизда шунақанги иссиқ бўлдики, иссиқдан қип-қизариб пишган қисқичбақаларни одамлар тўппа-тўғри оғизларига солиб ейишаверди.

* * *

Гасконлик лофчи: — Тулузда қиш шундай дағшатли бўлдики, энг катта Гаронна дарёси ҳам яхлаб қолди-я.

Бордолик лофчи: — Бизда, Бордода-чи, сизларникидан ҳам совуқ бўлди. Қор нақд саратоннинг сариқ куни 14-июлда ёғса-я.

Марселлик лофчи: — Марселдаги қиш олдида буларнинг бари ҳеч нарса эмас. Бизда қиш шундай совуқ бўлдики, одамлар қайнаб турган иссиқ сувларда коньки отишарди.

* * *

Гасконлик лофчи билан марселлик ўз шаҳарларида обҳавонинг қанчалик иссиқ бўлиши ҳақида баҳслашардилар.

Гасконлик лофчи: — Бизда, ёзда кун шундаям иссиқ бўлдики, асти қўяверасиз, туҳумлар офтобда ўз-ўзидан пишиб кетарди.

Марселлик лофчи: — Бе, бу ҳеч гап эмас, жаноб гасконлик. Ахир, бизда туҳумларни ой нурида қовуриб пиширишадилар-ку.

ҲАЙИТБОЙ суратга олинаётган артистлардай кўтаринки руҳда китоб дўконига кириб келганида китобхонлар ҳар кунгидек гавжум эди. Янги асарлар келибди, шекилли, бақириқчақириқ, ур-йиқит. Ҳеч ким унга ўгирилиб ҳам қарамади. «Катта ёзувчи»лигини унутиб, ўзи ҳам ночор туртиниб-туртиниб, ойнаванд пештахтага яқинлашди-ю, сувқоғозга ўроқлиқ китобларни кўриб, кўзлари чақнаб кетди.

— Синглим, шунисининг ўзидан олса бўладими? — деди у шоша-пиша қалин жилдли китобга бармоғини босиб. — Мен бир-иккита эмас...

Сотувчи қиз юзида табассум пайдо бўлди:

— Марҳамат, сизга нечта керак? Ҳозир ичкаридан олиб чиқиб беришим мумкин.

— Кўпроқ олмоқчи эдим. Шошиб қолган сотувчи зумда ичкарига кириб, пештахта устига тайёр қилиб ўралган бир даста китоб қўйди:

— Шунинг ўзида йигирмата, яна нечта керак?

— Тўхтанг, тўхтанг, — деди навбати яқинлашиб қолган новча йигит сотувчига ўдағайлаб. — Бу кишига яхшиси, ўралганидан олиб беринг, қолганларини эса биз оловерамиз.

— Тўғри, тўғри, — деб маъқуллашди бошқалар ҳам ғала-ғовур кўтариб.

— Жавонларимизни безаш учун эмас, ўқиш учун олаяпмиз, ахир.

— Ортиқча китобни бошимизга урамизми?

— Қачондан бери яхши китобларга бемаза китоблар қўшиб сотиладиган бўлиб қолди? Номи «Даҳшат»у, бошдан-оёқ олди-қочди.

— Лоақал совғага ҳам ярамайди-ю!

— Шунча қоғозни исроф қилганини қаранг-а, ўша нашриётлари...

— Бунақа китоблар ўзингизга сийлов! Бизнинг эса аҳмоқ пулимиз йўқ. Муаллифини кўрмаган, танимаган бўлсам ҳам асарини ўқиб, ҳеч нарсага тушунмаганман. Бошингни қотиришга арзимайди, ўзига ўхшатиб тентак қилмоқчи бўлади одамни. Бу китобларинияам хонасидан чиқмай ёзганми-ей...

— Биз фақат жилди ночор бўлса ҳам Ҳамидов асарларига муштоқмиз. Талабларимизга ҳам қулоқ осингларда, ҳей...

Ҳайитбой харидорларнинг бир унисидан, бир буниси-дан тарсаки еяётгандек, баттар тутақиб кетди:

— Бўлди-е, нима бу ер сизларга, бозорми? Олсанглар шу, бўлмаса... Нима, бу китобларни уйига олиб кетадими? Оловеринглар-да! Бир киши заҳмат чекган ахир. Буларнинг талабларини-чи?!

— Нима, биз уни у-бу нарса ўрашга ёки ликилдоқ столларимизнинг тагига қўйиш учун оламизми?

— Додингларни ўшаларга айтинглар, — деди сотувчи қиз. — Бу ер жанжалхона эмас, китоб дўкони. Китоб ўқиб ҳам бундоқ одоб-ахлоқ нималигини билишмайди-я.

— Сиз ундай китобларни олманг, вассалом! — бўш келмади мижозлар. — Нима қиласиз ўзингиз...

— Мен режа бажаришим керак. Нима, сизларда режа йўқми?

Ҳайитбой шундоқ чиройли қизнинг дағдағасидан тили ҳам калимага келмай қолди: «Шундай чиройли қаҳрамон чиқаркан-у, фақат тили сал узунроқ экан-да. Бўлмаса ундан зўр қаҳрамон чиқарар эдим-а», деб китоб пулларини тўлаб, китобларини қўлтиққа ураётганда: «Биродар, шунча китобни нима қиласиз», деб сўраб қолди кимдир орқадан.

Ҳайитбой сир бой бермади:

— Ўртоқлар сўрашганди, билмадим, нима қилишаркин шунча китобни? Керакдирда...

— Сеҳргами?

— Писта ўрашга денг, — кесатиқ қилди кимдир.

— Агар ноёб китоблар олиш ҳуқуқини берадиган махсус патта учун бўлса, тўғри қиласиз! Ҳақиқатан ҳам тош босадиган китоблар.

— Шу ерда ҳам ёлғонни бенарвон ураяпти-я. Бу киши ахир мана шу дардисар китобларнинг муаллифи-ку, — деди яна бошқа биров китобнинг ички саҳифасидаги суратни кўрсатиб. — Қани, ўртоқ муаллиф, бундай китоблар ёзишдан муддаоингиз нимайди ўзи? Пулми, а?

Ҳайитбой харидорлар орасида турган суюкли «ижобий бош қаҳрамони» норғулгина йигит Шарифбойни таниб, ақлдан озаёзди. «Нималар бўлаяпти ўзи? Шарифбой, бу сўзларни мана шу чиройли тилларинг билан айтаяпсанми? Хизматга туҳматми энди?! Ҳайф-е, сендақа қаҳрамонга», деб энди эшикка йўналганди, ортидан: «Вой, қаёққа қочаяпсиз» деган товуш эшитилди-ю, китоблари қўлтиғидан тушиб, урра қочди.

Аксига олиб, кўчадаги ғизза-ғизза ўтаётган машиналарнинг биронтаси ҳам тўхтамади. Ҳайитбойнинг тили осилиб, лўкиллаб чопаверди-чопаверди. Нафас олиши қийинлашиб, ҳарсиллаб-ҳарсиллаб орқага қараган эди, кўзлари косасидан чиқаёзди: «Ие пастаккина томдан йиқилган Азизнинг оёқлари синиб, касалхонада уни дўхтирлар шартта тиззасидан кесиб ташлашган эдику! Ё, тавба, қайси оёқлари билан диконглаб юрибди бу қайсар бола?! Ё протезмикин? Ёндаги қиз Нафисами? Ёпирай! Шарифбойнинг ишқида бир шиша сирка ичиб ўлган бу қиз ёруғ дунёда нима қилиб юрибди? Бир эмас, ўн бобида етти, йигирма, қирқ, йилини ҳам қандай ўтказилганини оқизмай-томизмай ёзгандим-ку! Оббо, унинг қўлида ҳам китобми?».

— Тўхта, ҳой, қочиб қутулолмайсан, тўхта! — деди аллақаёқдандир пайдо бўлган мактаб қоровули йўлини тўсиб чиқиб, ҳуштагини чурилларкан. — Ҳай, сенга айтаяпман, ўғри!

— Ўзинг ўғрисан! Иссиғида қочиб қол, — деди Ҳайитбой уни туртиб ўтиб. — Мен сени мактабдан «Бутун дунё харитаси»ни ўғирлаганингни ҳам ёзганман. Тезроқ қоч, шундоқ ҳам ўн беш йил беришганди-ку, ҳумпар! Қамалиб кетсанг,.. қамалиб кетгандинг, шекилли. Нима, ишингни босдибосди қилиб юборишдими? Қара-я, мен бехабар қолибман. Ундай бўлса сенинг оқланганингни ёзиш керак, биродар. Бўлмаса, ҳеч қаерга ишга олишмайди.

Мактаб қоровули уйқусираган айиқдек, орқасидан ўдағайлади:

— Эсинг жойидами? Мен ҳеч қачон мактабдан картапарта ўғирлаган одаммасман. Янглиштираётган бўлсанг керак?!

— Исминг Ҳаким милтиқми?

— Ҳа, сен қаёқдан биласан?

— Ҳаким милтиқ бўлсанг бўпти-да. Менда ҳамма гувоҳлар бор: Рузвон фаррошнинг эскича ёзувдаги дастхати, Ҳикмат монтёр, буфетчи Манзура. Бу қаллоблигинг ҳатто Олий судда кўрилган-ку, галварс! Хўш, картани кимга сотмоқчи эдинг, четдаги душманларимизга, империалистларгами? Айт, ҳозир! Ҳозир ушлаб олишса, ўзим сенга яна ўн беш йил қўшдириб бераман.

Ҳайитбой изини йўқотиш мақсадида гулзор томон бурилди. «Дунё бирпасда шунчалик ўзгариб кетадими, а? — ҳаёлидан ўтказди у. — Хавфли жиноятчилар очиқда юрибди?!».

Кутилмаганда рўпарасидан қўлида бир дона атиргул тутган Дилбар чиқиб қолди:

— Ҳм, амаки, кимдан яшириниб юрибсиз?

— Шарифбойдан-да, қизим, Шарифбойдан. Эсингдами, ҳув узоқ йили бошини айлантиргандинг-ку. Ўша бир гала ўртоқлари билан мени қувиб юришибди. Ҳаётини фожиали тугатганимга бўлса керак, бу ёқда Нафисадан совутдим. Мен бор яхши хислатларимни шу Шарифбойга бергандим, у бўлса... Ахир шунча ишлардан кейин у мардонавор ўлиши керак эди-да, тўғрими қизим. Бошқа чора йўқ. Ўлмагунингча одамлар сени эсламайди.

— Нималар деяпсиз, амаки, қанақа Шарифбой?

— Ҳо, ҳо, дарров эсларидан чиқдими? Уни деб бир ёш қиз сирка ичиб адо бўлади-ю, қанақа-қанақамиш. Шарифбой билан бекитиқча ЗАГСдан ўтганларингни ҳеч ким билмайди, деб ўйлайсанми? Ҳаммасини биламан. Билганимдан ёзганман. Шу туришда қорнингда уч ойлик ҳомиланг бор, ё бундан ҳам тонасанми?

Дилбар бундай шармандачиликка чидолмади, Ҳайитбойнинг юзига қарсиллатиб тарсаки туширди:

— Мана сенга! Ифлос, туҳматчи!

Ҳайитбой дарров бир қўли билан юзини тўсиб, ғудранди:

— Ҳали шунақами? Шошмай тур, иккинчи китобимда энди сенинг ҳам умрингни ҳазон қиламан. Қараб тур, одам эмас, ит туғасан. Ҳа, юрган эканман.

...«Тарақа-туруқ» этган товушдан Ҳайитбой чўчиб уйғонди. Кўзларини очди-ю, қотди. Тепасида хотини ўқлоғи ушлаб турарди. Аранг тилга кирди:

— Ҳм, хотин, тинчликми? Нималар бўлаяпти ўзи, на уйқумда ҳаловат бор, на ўнгим...

Хотини Ҳайитбойнинг ёқасидан маҳкам олди:

— Мен буни сиздан сўрамоқчи эдим, дадаси. Қўшнимизнинг келини Дилбарнинг қорнида уч ойлик ҳомиласи борлигини сиз қаёқдан биласиз?

Ҳайитбой нима деярини билмай турди-турди-да, ғудранди: «Ё, тавба, қандай кунларга қолдим ўзи? Бу асаримдаги одамларни на ўлдириб бўлади, на яшартиб? Яхшиямки, асарим ҳали босилмаган, босилганда нима қилардим...»

Шу вақт ғойибдан товуш келди:

— Сени ҳам на ўлдириб бўлади, на яшартиб?

Ҳайитбой сакраб тушиб:

— Ҳа, бу Шарифбой, Шарифбой, — дея ўзини яна кўрпанинг ичига урди. — Хотин, қоч, бу ўзи шунақа — апперис! Мендан ўч олмоқчи!...

Хотини эса ўқлоғини юқорига даст кўтарганча ўйланиб қолди: «Урсаммикин, урмасаммикин?».

Зоир ЗИЁ.

МУАЛЛИФ ҚОЧДИ

ҲАЖВИЯ

БЕПУЛ ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли бошлиғимиз Эрмат Эрматович!

Мукофотга тақдим этилган рўйхатда сизнинг муборак исми-шарифингизни адашиб иккинчи ўринда ёзиб қўйганлигим учун бутун оила аъзоларимиз номидан яна бир бор кечирим сўрайман.

* * *

Туғруқхонага кириш 1000 сўм, чиқиш 5000 сўм.

* * *

Ижтимоий-таъминот бўлими беш йилдан бери кўрмаган 90 ёшли онасини меҳрдиёнат йили муносабати билан вақт топиб йўқлагани учун фан доктори, профессор Исрофил Кўрнамаковга миннатдорчилик билдиради.

* * *

Ҳозирда аскарлик хизматини ўтаётган ўғлимга учта келин олиб қўйдим. Чунки келинларнинг нархи ҳам яна 100 баробар ошади деган миш-мишлар юрибди.

Тўхташ АШУРОВ.

Абдулла Қаҳҳор номли сатира театрининг етакчи артистларидан Ҳусан Мусабоев ва Ўзбекистон халқ артисти Ҳайрулла Саъдиевнинг гапи бир ердан чиқди: гарчи театримизнинг биноси бўлмаса ҳам одамларни кулдирсак бас.

Козим Ўлмасов сурати.

* Хоҳ ишонинг, хоҳ...

— Тўхтанг.., тўхтанг, ҳой харидор! Қайтимингизни олиб кетинг-да, ака. Марҳамат қилиб санаб олинг, икки сўм.

(Сотувчининг харидорга дегани).

* * *

— Ўртоқ инспектор! Ахир мен қоидани буздим-ку, сиз кўрмай қолдингиз. Унинг устига оз-моз ичиб ҳам олганман. Мана, талон, хоҳласангиз тешинг. хоҳласангиз ёзинг.

(Ҳайдовчининг ДАН ходимига айтганлари).

* * *

— Ассалому алайкум, мухбир ука! Биз томонга бир келиб кетинг. Ажойиб фельетон ёзишингизга ёрдам бераман. Колхозимиз бу йилги режани бажара олмади. Ишларимиз ўлда-жўлда. Барча маълумотларни ўзимдан юласиз.

(Колхоз раисининг таҳририятга сим қоққанидан).

* * *

— Мелисажон, ке ўғлим, нега тескари қараб кетяпсан. Қўлимдаги молларнинг ҳеч қандай ҳужжати йўқ. Яна устига икки баравар қўйиб сотиб ўтирибман.

(Чайқовчининг дил изҳоридан).

ХАЁЛПАРАСТ.

АНТИҚА ХАБАРЛАР

МУҲИМ БИЛДИРИШ

ЎЗИНИНГ бемалолхўжалиги билан донг таратган «Шошилинч тиббий ёрдам» ҳамшираси бўлмиш Ялқовхоннинг номзоди Гиннеснинг рекордлар китобига тавсия этилди. Тавсиянома Ялқовхоннинг қўлидан шифо топмаган бир гуруҳ беморлар томонидан берилди.

ЭНГ ЧАҚҚОН ИИГИТЛАР УЧУН

«ТОЙОТА» машинаси, шаҳар марказидан олти хонали квартираси, йигирма етти хонали шаҳар четидаги икки қаватли дала ҳовлиси бор бизнесмен йигитга Таннозахон исмли қизимни узатаман. Қалин пули фақат МЭВ (Муомаладаги Эркин Валюта)да олинади. Қизча эндигина 32 баҳорни қаршилаган бўлишига қарамай жуда пазанда. Тухум қайнатишни қийиб қўяди. Яқинда тухум қовуришни ҳам ўрганиб олди! Телефон рақамимни исталган автобус бекатидан топишлари мумкин.

ШОШИЛИНЧ ХАТ

ҲУРМАТЛИ Ўзга сайёраликлар! Анча пайтки сиз томондан учар лиқобчалар маҳалламизга кетма-кет учиб келяпти. Яқинда қизимни узатмоқчиман, шунинг учун учар биллур идиш-товоқларни учириб юборсангиз.

Сизни дуо қилиб қолувчи Ханифа опоқингиз.

ҲАМИША ЕДДА ТУТИНГ!

АСЛО тўртинчи дўмнинг ёнидаги қичик йўлакдан юра кўрманг. Сабаби, учинчи қаватдаги В... келинойи доимий бўлмасада баъзи-баъзида қозон-товоқлар ювиндисини билмасдан пастга сепиб юбориши мумкин.

Назокат УСМОНОВА.

МУСАҲҲИҲ ЯНГЛИШГАНДА

Югурувчи аррага етди (маррага).

Учинчи каминага кирди (кабинага).

Қамал курсисида узоқ ўтирмади (амал).

Дўстим маҳбуб юборди (мактуб).

Қозон сувоқ (тувоқ).

Планни қўндирамиз (дўндирамиз).

Башарасига супа сурди (упа).

У терговчига ўроқ берди (сўроқ).

Сочига ароқ тегмаган (тароқ).

Томаки лойиҳа (хомаки).

Совун сайли бошланди (қовун).

Асал ҳарорати баланд эди (касал).

Овқатни ошиқ билан еди (қошиқ).

Отам анатомияси (одам).

Биринчи класс ичувчи (учувчи).

Туз қаймоқ (муз қаймоқ).

Оёқда армон қолмади (дармон).

Папирос чекиб, бутун ютди (тутун).

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

Дилором Саидова шаҳримизнинг «Меҳржон» маданият ва истироҳат боғида фаолият кўрсатаётган дорбозлар гуруҳини бошқаради. Эл орасида «Дилором дорбоз» номи билан машҳур. Жамоатчи мухбиримиз у билан учрашиб суҳбатлашди.

— Аёл киши учун дарбозлик қилиш ғайриодатий ҳол эмасми, қолаверса аёл бўла туриб қандай қилиб бошингизда тўртта-бешталаб ғиштни синдирасиз! Сиз яна «Жигули», «Москвич» автомобилларини кўтарар экансиз...

— Менга худди ана шу саволни тез-тез беришади. Энди ҳар кимнинг касби-да. Полвон, дорбоз деган нисбатларни эркакларга монанд кўп ишлатганимиз учун аёлларни эшитганда бу одамга эриш туюлса керак. Болалигимдан ана шу дорбозлар оламига қизиқиб кириб келганман. Турмуш ўртоғим ҳам дорбоз. Мана 7 ёшлик ўғлим Жамшид ҳам биз билан бирга. Хуллас дорбозлар оиласи сулоласини давом эттиряпмиз.

Эътиборимизни юз-кўзларига бўёқ чапланган «Масҳарабоз» болакайга қаратдик. У буни ўзича тушунди шекилли кескин жавоб қилди. «Мен Жамшид бўламан». Ҳаммамиз кулиб юбордик. Уни ҳам суҳбатга тортдик.

— Жамшид, дорда юриш қийинми! Осмону фалакда нимани ўйлайсан!

— Ҳеч нарсани.

Яна кулги кўтарилди.

— Катта бўлсанг ким бўлмоқчисан!

У аввал елка қисди. Сўнг онаси Дилором опага қаради. Катта-катта кўзларини ерга тикиб бир оз турдида, — дорбоз бўламан — деди.

— Онанг машина кўтараётганда нима қиласан!

Савол бироз ноўрин берилганди. Шундай бўлса ҳам Жамшид яна ўйлаб жавоб қилди.

* *Халқ санъати вакиллари*

ДИЛОРОМ ДОРБОЗ

— Қўрқиб тураман.

Дилором опа ўғлига меҳр билан тикиларкан: бизнинг давомчимиз шу ўғлим бўлади. Дадам менга, мен ўғлимга дорни мерос қолдирамиз. Аммо катта ўғлим Музаффар бутунлай бошқача, дорга унча ихлоси йўқ. Нуқул ўқигани ўқиган.

— Дилором опа, мабодо турмуш ўртоғингиз Ҳикматилла ака билан дорда танишмаганмисизлар!

— Йўқ, — деди у кулиб, — қариндошмиз. Тўйимизда ҳам дорлар тикилган. Айтишадику, карнайчининг тўйида карнайчи, сурнайчининг тўйида сурнайчи хизмат қилади деб. Бизникида эса роса дорбозлар томоша кўрсатишган.

— Бир ўзбек халқ эртаги бўларди, елкасида ҳўкиз кўтариб подшоҳни лол қолдирган жувон ҳақида.

— Ҳа, ҳўкизни бузоқлигидан ҳар куни кўтариб машқ қилиш ҳам таъкидланган эди унда. Албатта, мен ҳам ҳамма нарсага машқ қилиш, тинмай шуғулланиш натижасида эришганман. Дастлаб машинани бирданига кўтарган эмасман. Аввал 5—6 одамни, секинлик билан «Запорожец» машинасини кўтардим, Унгача дорда, шиша устида ўйнардим.

— Узингизга ўхшаган шогирдлар тайёрлаяпсизми!

— Биз кўп жойларда сафарларда бўлдик. Қорақалпоғистонда, Хоразмда, Туркистон, Сурхондарё—Қашқадарёда томошалар кўрсатдик. Ана шундай пайтларда айнан машина кўтаришга, бошда ғишт синдириш сирларини билишга қизиқиб келишади. Ишқибоз, ихлоси баландларга мен ўргатаман. Қашқадарёнинг Косон туманида 23 ёшли Моҳира Султонова, Сурхондарёнинг Сурхон туманида Салима исмли қизлар ҳозир шу ишларни бемалол бажаришяпти.

— Аёл киши табиатан жисмоний жиҳатдан нозик. Ахир у — ОНА. у — Рафиқа, у — Аёл-ку!..

— Полвон одам ҳоҳ у аёл бўладими, ҳоҳ у эркак киши бўладими, энг аввало соғлом бўлсин, чидамли бўлсин. Ҳеч кўрқмайдиган ботир бўлсин. Шулар мужассам бўлса бас, оналик, рафиқалик, қолаверса аёллик бунга халақит бермайди. Кейин менимча полвонлар энг соғлом, руҳи тетик одамлардир.

— Гуруҳингизда қанча одам бор!

— Бизнинг дорбозлар гуруҳи, асосан 7 кишидан иборат. Шерали, Фахриддин, Нуриддин, Азиз, Гриша ва бизнинг оиламиз. Биз шартнома асосида ишлаганимиз учун асосий даромадни халқ ичида томоша кўрсатиш ҳисобига топамиз.

— Бўш вақтингизда нималар билан шуғулланасиз!

— Шаҳар четидан ер олиб полиз маҳсулотлари экканмиз. Экин-тикин ишларини ёқтираман. Рўзғорда ўзимни бемалол, эркин сезаман. Барибир аёллигимга бораман-да.

...Дорбоз аёл. У дорга чиққанда ҳар бир томошабинининг юрагида бир титроқ ўтади, хаёлларининг кайфи учади. Бенихтиёр ё дилида, ё қўл очиб халқимизнинг ана шундай ўт-олов, полвон қизи шаънига дуо қилади. Халқ олқиши эса ҳар нарсадан сақлайди.

Суҳбатдош Лола САОДАТОВА, ТошДУ журналистика факультети IV-курс талабаси.

* *Мусаввир табассуми*

— Қандоқ қилай ошна, ёшликда тузукроқ касб ҳам эгалламабман.

— Ҳеч бўлмаса битта газета олиб берсангчи хотин.

— Сизга газетамас сотувчи керакка ўхшайди.

Ш. Субхонов чизган расмлари.

— Шим кийган бўлса ҳам келишган қиз экан.

Ғ. Тўлаганов чизган расм.

— Касаллик варақасини кўтариб қолибсиз Шодиевой!

— Ишбилармонлик-да бу ҳам. Касалман деб чет элдан мол олиб келмоқчиман Ходиевой.

А. Ҳакимов чизган расм.

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ЎЙИНЛАРИ ЖАДВАЛИ

(ОЛИЙ ЛИГА)

БИРИНЧИ ДАВРА

МАРТ

27. «Пахтакор» — «Сурхон»
«Навбаҳор» — МҲСК
«Шифокор» — «Трактор»

30. «Пахтакор» — «Сўғдиёна»
«Атласчи» — МҲСК
«Темирйўлчи» — «Трактор»

АПРЕЛЬ

10. МҲСК — «Нурафшон»
«Трактор» — «Политотдел»
«Чирчиқ» — «Пахтакор»

13. МҲСК — «Орол»
«Трактор» — «Пахтакор»

24. «Пахтакор» — МҲСК
«Орол» — «Трактор»

27. Янгиер — «Пахтакор»
«Политотдел» — МҲСК
«Нурафшон» — «Трактор»

МАЙ

8. МҲСК — «Темирйўлчи»
«Трактор» — «Атласчи»
«Наврўз» — «Пахтакор»

11. «Шифокор» — МҲСК
«Трактор» — «Навбаҳор»
«Нефтчи» — «Пахтакор»

ИЮНЬ

5. МҲСК — «Нефтчи»
«Пахтакор» — «Навбаҳор»
«Сўғдиёна» — «Трактор»

8. МҲСК — «Наврўз»
«Пахтакор» — «Атласчи»
«Сурхон» — «Трактор»

19. «Трактор» — МҲСК
«Темирйўлчи» — «Пахтакор»

22. «Янгиер» — «Трактор»
МҲСК — «Чирчиқ»

ИЮЛЬ

3. «Трактор» — «Наврўз»
«Нурафшон» — «Пахтакор»
«Сўғдиёна» — МҲСК

6. «Трактор» — «Нефтчи»
«Орол» — «Пахтакор»
МҲСК — «Сурхон»

13. «Пахтакор» — «Политотдел»
«Чирчиқ» — «Трактор»
МҲСК — «Янгиер»

ИККИНЧИ ДАВРА

АВГУСТ

21. «Политотдел» — «Пахтакор»
«Трактор» — «Чирчиқ»
Янгиер — МҲСК
28. «Нефтчи» — «Трактор»
«Пахтакор» — «Орол»
«Сурхон» — МҲСК
31. «Наврўз» — «Трактор»
«Пахтакор» — «Нурафшон»
МҲСК — «Сўғдиёна»

СЕНТЯБРЬ

11. «Трактор» — «Янгиер»
«Чирчиқ» — МҲСК
«Шифокор» — «Пахтакор»
14. МҲСК — «Трактор»
«Пахтакор» — «Темирйўлчи»
21. «Наврўз» — МҲСК
«Атласчи» — «Пахтакор»
«Трактор» — «Сурхон»
25. «Нефтчи» — МҲСК
«Навбаҳор» — «Пахтакор»
«Трактор» — «Сўғдиёна»

ОКТЯБРЬ

23. МҲСК — «Шифокор»
«Навбаҳор» — «Трактор»
«Пахтакор» — «Нефтчи»

26. «Темирйўлчи» — МҲСК
«Атласчи» — «Трактор»
«Пахтакор» — «Наврўз»

НОЯБРЬ

3. «Пахтакор» — «Янгиер»
МҲСК — «Политотдел»
«Трактор» — «Нурафшон»
6. МҲСК — «Пахтакор»
«Трактор» — «Орол»

13. «Орол» — МҲСК
«Пахтакор» — «Трактор»

16. «Нурафшон» — МҲСК
«Политотдел» — «Трактор»
«Пахтакор» — «Чирчиқ»

24. «Сўғдиёна» — «Пахтакор»
МҲСК — «Атласчи»
«Трактор» — «Темирйўлчи»
27. «Сурхон» — «Пахтакор»
МҲСК — «Навбаҳор»
«Трактор» — «Шифокор»

Изоҳ: «Нефтчи» (Фарғона) ва «Пахтакор» жамоаларининг Осиё кубокларида қатнашиши боис, иккинчи давра ўйинлари ўзгариши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Футбол федерацияси.

Футбол фасл танламас...

Дмитрий Михайлов суратн.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, СИМОБ

ҲАР бир корхона ёки муассасанинг хоналарида, йўлакларида бир ёки иккитадан кундузги чироқларни кўриш мумкин. Уларни омборларда ҳам учратамиз. Ахлатхоналарнинг биронтаси йўққи шундай ишдан чиққан чироқлар ётмаган бўлсин. Ҳисоб-китобларга қараганда республикамиз бўйича 1992 йилгача 3 миллион дона кундузги чироқлар ташлаб юборилган. Улар атмосферани ифлослантиришда «кўп хизмат» кўрсатиши бугун маълум. Ифлослантирганда ҳам металл симоби билан «тўйинтирган». Ўзида симоб сақлайдиган чиқиндиларга бефарқларча муносабатда бўлиш ўткир ёки хроник тарзда заҳарланишга олиб келиши мумкин.

Симоб киши организмига нафас олиш йўллари орқали, ошқозон-ичак йўллари, тери орқали ҳам ўтиши мумкин. Симоб билан заҳарланганда инсон организмида модда алмашинуви издан чиқади. Биринчи навбатда асаб ўқлари зарар кўради. Бу ҳолда ёшни тез толиқади, боши оғрийди, мускуллари бўшашади, уйқусизликка мубтало бўлади, юрак томир тизимининг иш фаолияти бузилади. Ҳатто тишлар ҳам лиқиллаб қолади. Мана шунинг учун ҳам республика табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети томонидан кундузги чироқларни йиғиш ва бир ерда сақлаш ҳақида таклиф ўртага ташланди. Республика Вазирлар маҳкамаси томонидан эса 1992 йил 20 октябрда чироқларни бир ерга йиғиш, уни эҳтиётлаб кўмиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Бу иш «Ўрта Осиёранглиметаллойиҳа» институтига топширилди. Институт ўз навбатида бу юмушни ўзининг «ТехЭКО» кичик корхонаси зиммасига юклади. Масалани ижобий ҳал қилиш ишига шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети ҳам бош қўшди. «Тошкент трактор заводи», Чкалов номли авиасозлар ишлаб чиқариш бирлашмалари эса корхоналардан йиғилган чироқларни сақлаш учун жой ажратди, тажриба-саноат қайта ишлови учун қурилма ўрнатди. Лекин зарур хом ашёнинг етишмаслиги, ишлаб чиқаришга яроқли майдоннинг йўқлиги, «Ўрта-Осиё ранглиметаллойиҳа» институтининг эътиборсизлиги оқибатида ушбу иш барбод бўлиш хавфи остида қолди. «ТехЭКО» кичик корхонаси ҳам ваъдасининг устидан чиқа олмади. Ваҳоланки, кўпгина корхоналар кундузги чироқларни йиға бошлаган, ҳатто топшириш шартнома ҳам тузган эди...

Нафақат айрим корхона раҳбарлари, балки ҳар биримиз ҳар бир синган кундузги чироқ қандай хавф туғдиришини ҳис қилишимиз керак. Сўнгра 80 фоиз ишдан чиққан чироқларга қайта ҳаёт бағишловчи қурилмани ўрнатиш учун лойиқ жой топиш керак.

Равшан КАРИМОВ,
шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети раисининг ўринбосари.

Тилимиз ўз қаддини тўла тиклаб олганидан буён оммавий ахборот воситаларида бир қанча нотаниш сўзлар, жумлалар учрай бошлади. Бу борада географияга оид сўзларнинг ўзига хос ўрни бор. Жумладан бугунги кунда Германия — Олмония, Венгрия — Можористон, Франция — Фарангистон дейиляпти. Бундан ташқари баъзи бир жой номлари ўзининг қадимий номида юритилмоқда. Масалан, Хитой — Чин, Цейлон — Сарандиб, Рум...

Дарвоқе, Рум деганда қайси мамлакатни тушуниш керак. Бугунги кунда Рум сўзи кўп жойларда, айниқса оммавий ахборот воситаларида Италия пойтахти бўлган Рим

* *Ранг-баранг олам*

РУМИЙ ИТАЛИЯЛИК БЎЛГАНМИ?

ўрнида ишлатилмоқда. Масалан, спорт турларидан бири — юнонрим кураши «юнон—рум кураши» шаклида қўлланилаётир. Бунинг сабабларидан бири ушбу икки сўзнинг ўзаро оҳангдошлиги десак, иккинчидан, академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг пойтахтимизни мадҳ этиб ёзган «Лондон, Париж, Румога алишмайман қўҳна Шош» сатрлари бўлса ажабмас.

Ҳақиқатан ҳам Рум деганда Рим шаҳри назарда тутиладими? Ўзбек мумтоз адабиёти ва юртимиз тарихидан оз бўлса-да хабардор киши сўзнинг бундай қўлланилиши нотўғри эканини дарҳол англайди. Чунки қадимий адабиётимизда ва йилномаларда Рум деганда Кичик Осиё ороли, яъни ҳозирги Туркия давлати, Европанинг жанубий-шарқий қисми, асосан Византия, Искандария, Константинополь кабилар тушунилади. Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» асарида Искандар Зулқарнайн ўз фуқароларига «аҳли рум» дея мурожаат қилади. Улуғ мутафаккир Жалолиддин Румийнинг ватани ҳам Рим эмас. Рум—Туркия бўлган. Мумтоз адабиётимизни ўрганувчилар орасида Рум деганда бутун турк мамлакатлари, жумладан бизнинг Турон юрти тушунилишини таъкидлайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Тарихдан маълумки, соҳибқирон бобомиз Амир Темур Кичик Осиё оролидаги туркларнинг саркардаси Боязид Йилдирим билан жанг қилиб ғолиб чиққан. Ўша турк султони «Рум қайсари» деб ном чиқарган эди. Яна бир манба: таниқли шоир Эркин Воҳидов ўзининг «Руҳлар исёни» достонида подшоҳ Шоҳи Жаҳон ҳақида шундай ёзади:

Кеча Ажам, Рум,
Хитога,
Ларза солган буюк
шоҳ.
Қараб ётар кенг
дунёга,
Тор дарчадан...
Кўкда моҳ.

Ҳақиқатан ҳам бобурийлар сулоласидан бўлмиш Шоҳи Жаҳон давлати қудратининг таърифи Ҳиндистон, Хитой қаторн Рум — турк мамлакатига ҳам етиб борган эди. Яна бир исбот шундан иборатки, Рум деганда қудратли бир давлат эътиборга олинган. Рим эса шаҳар, бошқа бир давлат пойтахти. Келтирилган далиллардан Рум сўзининг Рим сўзига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги кўриниб турибди. Демак, Рим сўзи қандай бўлса шундайлигича қўлланилиши керак.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

МУҲРЛАР ВА ШТАМПЛАР

Янгидан ташкил қилинаётган ва хусусийлаштирилаётган, шунингдек, номи ва рамзлари ўзгарган корхона ҳамда ташкилотлар диққатига!

ТОШКЕНТ МАТБАА КОМБИНАТИ

муҳрлар ва штамплар тайёрлаш учун берган буюртмаларингизни ўзингиз истаган муддатга бажариб беради.

Нархи — Тошкент шаҳрида энг арзон.

Манзилимиз: Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефонлар: 44-63-23, 44-10-04.

ТУРКИЯНИНГ «АЙ-СЕЛЬ» ФИРМАСИ

қуйидаги мутахассисларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

— инглиз тилидан ўгирувчи таржимон.

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАРДАГИ ИШЧИЛАР:

— экскаваторчи,
— автокранчи,
— электр газпайвандчи,
— авточилангар,
— компрессорни созловчи,
— ёрдамчи ишчилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 107-уй. «Ай-Сель» фирмаси идораси.
Телефонлар: 34-53-82, 34-55-80, 34-41-83, 35-83-34, 34-53-92.

Вазирликлар, концернлар, ассоциациялар, бирлашмалар, корхоналар ва турли хил фирмаларнинг раҳбарлари ҳамда айрим фуқаролар диққатига!

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ МАРКАЗИ

Тошкент шаҳри бўйича ҳар хил турдаги факсимиль аппаратларини рўйхатдан ўтказиш, ўрнатиш ва улаш ишларини бажаради.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-уй. **Мулоқот телефони: 44-23-09.**

Факс: 44-23-09.

Собир Раҳимов туманидаги «Комил-ХМД» фирмаси тугатилади.

Даъволар бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Илоқий кўчаси, 15-уй.

Жамғарма банки

ИШ ҲАҚИНИ ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИ ОРҚАЛИ ОЛИШ — СИЗНИНГ МАНФААТЛАРИНГИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!

Хоҳишингизга кўра меҳнат ҳақи Жамғарма банкининг турар жойингиз ёки иш жойингиздаги исталган муассасадаги Сизнинг омонат ҳисобингизга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин.

Омонат ҳисобингиздаги пулни ўзингиз учун қулай пайтда тўлиқ ёки қисман олишингиз мумкин.

Ўз вақтини ниҳоятда қадрлайдиганлар учун Ўзбекистон жамғарма банки бир марталик тартибда ва узоқ муддатли топшириқнома бўйича квартира, газ, электр қуввати, телефон ҳақи, болаларнинг болалар муассасаларида сақланиши, коммунал хизматлар ва бошқа хизматлар учун тўланадиган тўловларни Сизнинг ҳисобингиздан тўлаб бориши мумкин.

ЖАМҒАРМАЛАРНИ НАҚД ПУЛСИЗ ТЎЛДИРИБ БОРИШ — ҲОЗИРГИ ЗАМОН ҚИШИСИГА ХОС ИШ УСЛУБИДИР!

Жамғарма банкининг Тошкент шаҳар бошқармаси.

Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари кенгаши ва тармоқ касаба уюшмаларининг шаҳар қўмиталари шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг бўлим мудири М. И. Мирқосимовага отаси

Иноят Содиқович СОДИҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Маданият жамғармаси жамоаси кўргазма маркази ходими

Убайдулло ПЎЛАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзкоммаишийшартномасавдо» фирмаси жамоаси фирма бош директорининг биринчи муовини, «Тошгурлитаъминот» базасининг директори Ш. Пўлатовга отаси

Убайдулло ПЎЛАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

DAEWOO

ИВЕРСОН

«ИВЕРСОН» ДЎКОНЛАРИДА

Телевизорлар, видео ва аудиомагнитофонлар, плеерлар, автомагнитолалар, музлатгичлар, микротўлқинли печлар, чангютгичлар, дазмоллар ва бошқа буюмлар мавжуд.

ДАЕWOO КОРПОРАЦИЯСИ

ЭНГ ЯНГИ МОДЕЛЛАР — АЪЛО СИФАТ ДЕМАКДИР!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР

ЎЗИНГИЗ ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИНГ!

Барча моллар учун 1 йилга кафолат берилади!

Тошкент шаҳридаги дўконларнинг манзиллари:

— Абдулла Тўқай кўчаси (Марказ—1, 31-уй), телефон: 33-35-61;

— А. Толстой кўчаси («Олой» бозори), телефон: 32-11-19;

— «М. Горький» метро бекатидаги савдо расталари, телефон: 68-87-39;

— «Чилонзор» даҳаси, 1-мавзе, 65-уй;

— Абдуллаев кўчаси, 97-уй («Высоковольт» даҳаси);

— Комсомол 40 йиллиги кўчаси, 26-уй («Дружба» кинотеатри);

— Шукур Бурҳонов кўчасидаги «Наврўз» дўкони (Деҳқон бозори).

Халқ табиби, Қизил Ярим Ой жамияти аъзоси, руҳий табиб, башоратчи **Ёқубхўжаев Мўйдинхўжа Турсунзода ўғли Ҳайдархўжа набираси**

БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Оммавий муолажалар жараёнида беморлар бош, бел, оёқ, қўл, юрак касалликларидан, уйқусизлик, гаранглик, ваҳима, қўрқоқлик, юрак сиқилиши, бедармонлик, буйрак, жигар хасталикларидан, шунингдек, ошқозон-ичаклардаги тош ва тузлардан ҳам фориғ бўладилар.

Эслатма: туғма кўзи ожиз, қулоғи эшитмайдиган беморларга кафолат берилмайди, кайфи борлар қабул қилинмайди.

Якка тартибда қабул қилинганда табиб руҳий, асаб хасталикларини аниқлаш, иш йўли, бахт йўлини очиш, иссиқ-совуқни қайтариш, илми-амални ечиш ва дам солиб даволаш каби усуллардан фойдаланади.

Оғир беморлар навбатсиз қабул қилинади.

Ҳозирги турар жойимиз: Тошкент шаҳри, Гулистон мавзеси, 42-уй, 30-хонадон (13, 94, 69, 87-автобуслар; 23, 19-троллейбусларнинг «Алгоритм» заводи» бекати). Қабул соат 6.00 дан 19.00 гача; жума — дам олиш куни.

«КАНОП» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШИРКАТИ

Тошкент шаҳрида ва Бордонқўл қишлоғида (Роҳат» кўли орқасида) каноп йигириш-тўқиш фабрикасида ишлаш учун

қуйидаги мутахассисларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

— тароқлаш, ленталаш ва ўраш машиналарининг операторлари;
— йигирувчилар;
— тўқувчилар.

Шогирдлар Тошкент каноп фабрикасида ўқитилади.

Меҳнат ҳақи — ишбай (чекланмаган).

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Крупская кўчаси, 8-уй. «Каноп» ширкатининг расмийлаштириш бўлими. **Телефон: 55-89-75.**

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан пул ўтказиш йўли билан «PANASONIK KX—T 2365» телефонларини

СОТАДИ.

Телефон: 77-86-88.

Республика «Маданий моллар» акционерлик бирлашмаси жамоаси бирлашманинг кекса ходими, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, пенсионер

Маҳамаджон ЙЎЛДОШЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби жамоаси Бошланғич тайёрлов мактаби курс бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Бахтиёр Зинуровга волидаи муҳтарамаси

ЗУЛАЙҲО аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 10.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларининг жойлаштирилиш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет. Қоғоз бичими А — 2. Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.30. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г—743. 14576 нусхада. 1 2 3 4 5 6